

Ҳар бир тантана тафаккур ва масъулиятни талаб қилади

2-с.

Тажриба қўл келди: ишсизлик камайди, даромад ошди

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
31 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

Mahalla

№88
(2416)

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

Маҳалланинг ҳақиқий қиёфаси хонадонларда акс этади

ЖАРАЁН

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва ҳамкор ташкилотлар масъулларидан иборат Республика идоралараро мувофиқлаштириш штаби ишчи гуруҳи Самарқанд вилояти маҳаллаларида ўрганишлар олиб борди.



Самарқанд туманидаги “Хишраб” маҳалласида “етилик” вакиллари билан мулоқот ўтказилиб, ҳудуддаги криминоген вазиятни барқарорлаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва аҳоли осойишталигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Маҳаллада фаолият юритаётган “Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш” комиссиясининг иш тажрибаси эътироф этилди. Шу билан бирга, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, низоли вазиятларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, муаммоларни улар оғирлашмасидан аввал ҳал этиш ҳамда профилактика ишларини янада кучайтириш юзасидан масъулларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, **Нарпай, Пастдарғом ва Самарқанд туманларидаги штаблар фаолияти** ўрганилди. Уларда ижтимоий профилактика тадбирларининг ташкил этилиши, ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан олиб борилаётган манзилли ишлар, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш борасидаги чора-тадбирлар таҳлил қилинди.

Ўрганишлар доирасида **“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетида** оилавий низоларни медиация орқали ҳал этиш масалаларига бағишланган семинар ҳам ўтказилди.

Семинарда оилавий низоларни барвақт аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш ва медиация усулларидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Бу жараёнда “маҳалла еттилиги”, тегишли идоралар мутахассислари ва жамоатчилик вакилларининг ҳамжиҳатликда ишлаши оилаларда соғлом муҳитни сақлашга хизмат қилиши таъкидланди.

БУГУНГИ СОНДА:

Маош масъулиятга муносиб белгилангани маъқул

Маҳалла раисларининг меҳнати ва масъулиятига мос равишда ойлик маошларини ошириш масаласи ҳам эътиборга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки бугунги кунда уларнинг иши белгиланган вақт билан чегараланмайди.

4-с.

Фаровонлик тайёр келмайди, унинг замирида меҳнат ва матонат бор

Бугун маҳалла раислари ўз ҳудудининг йўлбошчиси, ислоҳотчиси бўлиши керак. Бунинг учун у аҳоли муаммоларини яхши билиши, ҳар бир хонадоннинг даромад манбаини яратишга кўмаклашиши лозим.

5-с.

Оила масъулияти унут бўлиб боряпти...(ми?)

Айни пайтда жамиятда оилага муносабат сусайди, деган қатъий хулосага келиш ҳам тўғри бўлмайди. Бунинг учун ёшларнинг қарашлари, ижтимоий-иқтисодий шароит ва бошқа омиллар таҳлил қилиниши керак.

6-с.



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ОДАМЛАР ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШ, БУ — ҲАР ҚАНДАЙ ТАНЛОВДАН МУҲИМРОҚ НАТИЖА

МАҲАЛЛАДА БИРОВ ИШ СЎРАБ КЕЛАДИ, БОШҚАСИ ОИЛАСИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКНИ АЙТАДИ, ЯНА КИМДИР КЎЧАСИНИНГ ОБОД БЎЛИШИНИ ИСТАЙДИ. ҲАР КИМНИНГ ДАРДИ ЎЗИГА МУҲИМ. РАИС УЧУН ЭСА УЛАРНИНГ ҚАЙ БИРИ БИЛАН АВВАЛ ШУҒУЛЛАНИШНИ БЕЛГИЛАШ ЗАРУР. МЕНИМЧА, РАИСЛИКНИНГ ЭНГ ҚИЙИН ЖИҲАТИ, ҲАМ, МАСЪУЛИЯТИ ҲАМ ШУ ЕРДА.

Йил бошида маҳалламизда 118 нафар ишсиз фуқаро рўйхатда турган бўлса, бугунгача уларнинг барчаси даромадли меҳнатга жалб этилди. Уларнинг асосий қисми “драйвер”имиз — чорвачилик, деҳқончиликка жалб этилди. 20 нафардан ортиқ хотин-қиз туман марказида ташкил этилган тикувчилик корхонасига жойлаштирилди. Худди шундай, 25 та камбағал оиланинг 15 таси бу рўйхатдан чиқарилди. Уларнинг 7 тасига 1 сотихдан иссиқхона қуриб берилди, 3 та оила бошлиғи электр пайвандловчи сифатида ишли қилинди. Ҳозирда рўйхатда 10 та “давлат таъминотидаги оила”ларгина қолди.

Бу натижаларга қараб, яна бир муҳим вазифани унутмаслигимиз керак: одамларни ишга жойлаштириш билан унинг муаммоси тўлиқ ҳал бўлди, деб бўлмайди. Масалан, ишсизликни ўрганишда фақат фуқаронинг иши бор-йўқлигини сўраш билан чекланмаслик керак. У қандай касбни билади, қайси ишни эплайди, нега шу пайтгача даромад топа олмаган — шу саволларга жавоб топиш зарур.

Давоми 2-саҳифада.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

“МАҲАЛЛАМНИ ПИЁДА АЙЛАНГАНИМДА...”

2006 йилдан буён маҳалла раиси бўлиб ишлайман. Шу йиллар давомида одамларнинг қувончига ҳам, ташвишига ҳам шерик бўлдим. Бир оиланинг муаммоси ҳал бўлса, хонадондаги хотиржамликни, бир инсон ишли бўлса, унинг кўзидаги қувончни кўриб келяпман. Шунда англайманки, маҳаллада ишлаш, аввало, одамларни тушуниш, уларнинг дардига қулоқ тутиш ва имкони борича ёрдам беришдир.



Маҳалламизда 5 минг 634 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудимизда 18 та кўча, учта кўп қаватли уй мавжуд. Ўзбек, рус, тожик, қирғиз, корейс, татар, уйғур ва озарбайжон миллатларига мансуб аҳоли бир оиладек яшаб келади. Бундай муҳитни асраш, одамлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш ва ҳар бир хонадоннинг муаммосига бефарқ бўлмаслик маҳалла раиси сифатидаги асосий вазифаларимдан биридир.

Давоми 2-саҳифада.

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

“Марралардан юксакроқ мақсадларим бор...”

Чемпионнинг суҳбатларидаги энг таъсирли жиҳатлардан яна бири шуки, у катта ютуқларга эришган бўлса-да, дилидагиларини яширмайди. “Чемпионликни қўлга киритганим билан барибир кўришга ҳеч нарса етмайди”, дейди у.

8-саҳифада.



БИЗНИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА КУЗАТИНГ!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh



6

КЎРИНМАС ХАВФ, ҚАЙТАРИЛМАС ФОЖИА ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?



7

ЙЎЛОВЧИГА ТРАНСПОРТ ТАНЛОВИ ИМКОНИЯТИ ҚАЧОН ЯРАТИЛАДИ?



8

ХАРИДОРНИ ЧАЛҒИТУВЧИ АКЦИЯЛАР ҚАНДАЙ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ?



ТОШКЕНТ ШАҲРИ МАҲАЛЛАЛАРИДА реновация дастурига тушган уйлар ва янги қурилган турaржойларга пресс-тур ташкил этилди.



ЯНГИАРИҚ ТУМАНИДА “маҳалла еттилиги” вакилларининг билим ва амалий кўникмаларини оширишга қаратилган ўқув-семинар ўтказилди.



ЁЗЁВОН ТУМАНИДА Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Адҳам Зиёвитдиновнинг сайёр қабули бўлиб ўтди.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ОДАМЛАР ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШ, БУ — ҲАР ҚАНДАЙ ТАНЛОВДАН МУҲИМРОҚ НАТИЖА

Санъат АВЕЗОВА,
Вобкент туманидаги “Кўлиодина” маҳалласи раиси.



Маҳалла раиси йўл кўрсатувчи бўлиши керак. Ҳоким ёрдамчиси билан бирга фуқаронинг имкониятини ўрганиш, уни касбга ўқитиш, бўш иш ўринларига йўналтириш ёки ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашиш лозим. Кейин эса бир муддат ўтиб, натижани қайта текшириш керак: у ишлаяптими, даромади борми, бошлаган ишини давом эттира оляптими?

Мен яна бир нарсани муҳим деб биламан: оилани камбағалликдан чиқаришда унинг ички захираларини ҳам ишга солиш керак. Томорқаси борми, оилада бирор киши ҳунар эгасими, ишлатилмаётган биноси борми? Баъзан одамларга катта ёрдамдан аввал ўз кучига таянишни кўрсатиш ва ишни қандай бошлашни тушунтириш керак бўлади. Албатта, ҳар бир оиланинг шароити турлича. Шунинг учун оиланинг аҳволига мос режа тузиш тарафдориман.

Маҳалламизда бир неча йилдан бери жиноятчилик ва оилавий ажралиш ҳолатлари кузатилмаётгани қувонарли. Баъзан эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик ортида ишсизлик, қарз, рўзғор ташвиши ёки қариндошлар аралашуви туради. Шу боис оилани тингламай, унга насиҳат қилиш ёки бир томонни айблашдан фойда йўқ. Аввало, вазиятни тушуниш керак.

Бугун маҳалла раиси олдига катта вазифалар қўйилмоқда. У бандлик, камбағалликни қисқартириш, оилавий муаммоларнинг олдини олиш, жиноятчиликни камайтириш, ҳудудни ободонлаштириш ва аҳоли мурожаатлари билан ишлашда фаол иштирок этиши керак. Бу вазифаларнинг кўпчилиги бир-бири билан боғлиқ. Масалан, ишсизлик камайса, оиладаги иқтисодий босим ҳам енгиллашади. Ёшлар банд бўлса, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш имконияти ортади. Кўчалар обод бўлса, аҳолининг маҳалла ҳаётига муносабати ҳам ўзгаради.

Бу ишда хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори ва бошқа масъулларнинг ҳамкорлиги муҳим. Муаммо фақат иқтисодий сабабга боғлиқ бўлса, оилага даромад манбаи топишда ёрдам бериш мумкин. Келишмовчиликнинг сабаби ўзаро тушунмовчилик бўлса, мутахассислар иштирокида суҳбат ташкил этиш керак. Зўравонлик ёки хавф мавжуд бўлган ҳолатларда эса жабрланган инсонни ҳимоя қилиш биринчи ўринда туриши шарт.

Бироқ бу вазифаларни бажаришда маҳалла раисининг ваколати ва имкониятини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ҳар бир муаммони раиснинг ўзи ҳал қилолмайди. Лекин муаммони аниқлаш, унинг сабабини ўрганиш, тегишли ташкилотга асосланган таклиф киритиш ва ижросини кузатиш унинг вазифасидир. Биз ҳам ҳудуддаги ечимини кутаётган учта масала бўйича туман ҳокимига таклиф киритдик. Шу орқали битта қишлоғимизда 20 та хонадон узлуксиз электр энергиясига улаб берилди, битта кўчанинг 800 метр қисми шағаллаштирилди, яна битта қишлоқда ичимлик сув қувурлари янгиланди.

Бу каби ишларда таклифнинг аниқлиги муҳим, деб ўйлайман. Муаммони айтишнинг ўзи етарли эмас: унинг аҳолига таъсирини, нега ҳал этиш зарурлигини ва қандай ечим таклиф қилинаётганини тушунтириш керак. Шунда мурожаат ҳам, ҳамкорлик ҳам аниқ натижага хизмат қилади.

Шу ўринда, маҳалла раисига тегишли ташкилотлардан ўз вақтида жавоб олиш ва киритилган таклифларнинг ижросини кузатиш имкониятини янада кучайтириш фойдали бўлар эди. Ҳудуддаги муаммо бир идора ваколатига кирмаса, уни бошқа ташкилотга йўналтириш билан иш тугамаслиги керак. Масала қайси идорага тегишли бўлса, масъул белгилаш, ҳал этиш муддатини аниқлаш ва натижаси ҳақида маҳаллага маълумот бериш амалиётини мустаҳкамлаш зарур.

Мен яна бир таклифни муҳим деб биламан: маҳаллада амалга оширилаётган ишлар ҳақида аҳолига мунтазам, содда ва очиқ маълумот бериб бориш керак. Қайси масала ҳал этилди, қайси иш давом этяпти, нега айрим муаммолар ечими вақт талаб қиляпти — одамлар буни билиши лозим. Бу ортиқча ваъда беришдан ҳам, асоссиз норозиликдан ҳам сақлайди. Энг муҳими, аҳоли маҳалла ишларини ўз ишидек қабул қила бошлайди.

***

“ТОП-100” таликдан жой олиш — фаолиятимизга берилган баҳо. Буни қадрлайман. Аммо рейтингдаги ўриндан кўра, маҳалладаги одамларнинг ҳаётидаги ўзгариш муҳимроқ. Ишсиз фуқаро даромад топа бошласа, қийин аҳволдаги оила муаммосига ечим топса, аҳоли мурожаати эътиборсиз қолмаса — мен учун ҳақиқий натижа шу.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ...

“МАҲАЛЛАМНИ ПИЁДА АЙЛАНГАНИМДА...”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Донохон МАМАЖОНОВА,
Фарғона шаҳридаги “Гулистон” маҳалласи раиси.

Кунни кўпинча маҳаллани пиёда айланишдан бошлайман. Қайсидир кўчада қурилиш чиқиндилари қолиб кетган, бошқа бир жойда ўт-ўланлар ўсиб ётган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларни шунчаки камчилик сифатида қайд этиш билан иш битмайди. Аҳолига тушунтириш, муаммонинг сабабини аниқлаш ва уни бартараф этишга одамларнинг ўзини ҳам жалб қилиш керак.

Маҳалладаги яна бир муҳим йўналиш — жамоат хавфсизлиги. Маҳалланиг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўчаларнинг кириш-чиқиш жойларига 48 та кузатув камераси ўрнатилди. Мурувват ва Тўмарис кўчаларида бир километр масофада пиёдалар йўлакчаси ташкил этилди. “Маҳалла еттилиги”нинг компьютер-техника воситалари янгиланди, идора биноси ҳам тартибга келтирилди.



“Гулистон”нинг иқтисодий имкониятлари, аввало, аҳолининг меҳнати ва мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятида намоён бўлади. Ҳудуддаги Гулистон кўчасида корхона ва ташкилотлар, хусусий ишлаб чиқариш субъектлари фаолият юритади. Шу билан бирга, айрим хонадонлар мавсумий гуллар ва кўчатлар етиштириб, шаҳар бозорларига чиқаради. 17 та хонадондаги иссиқхонада помидор, бодринг ва лимон етиштирилади.

Эндиги вазифамиз мавжуд тажрибани кенгайтиришдан иборат. Томорқада маҳсулот етиштираётган аҳолига бозор талабини ўрганиш, уруғ ва кўчат сифатини яхшилаш, маҳсулотни сақлаш ва сотиш йўналишларини топиш бўйича амалий ёрдам керак. Иссиқхона эгалари учун сув тежовчи технологиялар, мавсумдан ташқари маҳсулот етиштириш ва харажатларни камайтириш масалалари ҳам муҳим. Бу жараёнда ҳоким ёрдамчиси, маҳалла банкири ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга эътибор қаратяпмиз.

Йил бошида маҳалламизда камбағал оилалар сони 34 тани ташкил этган бўлса, октябрь ойига келиб бу кўрсаткич олтитага камайди. Эҳтиёжманд оилалар аъзолари иш билан таъминланди, уларга субсидия асосида меҳнат қуроллари ажратилди, даромад келтирадиган машғулотга йўналтирилди.

Бироқ камбағал оилалар сонининг камайиши билан иш тугамайди. Муҳими, бу оилаларнинг даромади барқарор бўлиши, улар қайтадан ижтимоий кўмакка муҳтож бўлиб қолмаслигидир. Шунинг учун ҳар бир оила билан алоҳида ишлаш, унинг имконияти ва муаммосини тўғри баҳолаш керак. Кимдир касб ўрганиш орқали, бошқаси томорқачилик ёки кичик тадбиркорлик билан оилавий даромадини ошириши мумкин. Ҳаммага бир хил ёрдам таклиф қилишдан кўра, ҳар бир оилага мос ечим топиш кўпроқ самара беради.

Маҳалла фақат иқтисодий масалалар ҳал этиладиган ҳудуд эмас. Бу ерда болалар улғаяди, ёшлар ҳаётдаги ўз ўрнини топади, оилаларнинг тақдири шаклланади. Шунинг учун ҳудуддаги 7-умумтаълим мактабига бориб, ўқувчилар давомати ва таълим жараёни билан танишаман. Маҳалла фаоллари иштирокида ўқувчилар, жумладан, қизлар билан ибратли суҳбатлар ўтказамиз. Оилавий ажралишларнинг олдини олишда ҳам “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари ва маҳалла фаолларига таянамиз. Оиладаги келишмовчиликни вақтида сезиш, ёшларнинг фикрини тинглаш, уларга босим ўтказмасдан муросага келиш йўлини кўрсатиш муҳим.

Қарийб йигирма йиллик тажрибам шуни кўрсатдики, маҳалладаги бир муаммони ҳал қилиш бошқа масалаларга ҳам йўл очади. Бу жараёнда маҳалла фаоллари учта муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман: биринчидан, маҳалланинг иқтисодий имкониятларини хонадонлар кесимида ўрганиб, ҳар бир оила учун даромадни ошириш режасини ишлаб чиқиш зарур. Иккинчидан, маҳалла инфратузилмасига ажратилаётган маблағларни сарфлашда аҳоли фикри ва энг долзарб эҳтиёжлар устувор бўлиши керак. Учинчидан, таълим, оилавий тотувлик ва жамоат хавфсизлиги масалаларида муаммо келиб чиққандан кейин эмас, унинг дастлабки белгилари пайдо бўлганидаёқ чора кўриш даркор.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тўй ва оилавий маросимларни ихчам ўтказишга бағишланган семинарлар, матбуот анжуманлари ташкил этилди.

Ҳар бир тантана тафаккур ва масъулиятни талаб қилади

Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган мулоқотда тўйларни миллий урф-одатларимизга мос равишда, ортиқча дабдаба ва харажатларсиз ўтказиш, оилаларни қарзга ботишдан асраш ҳамда ёшларда тежамкорлик маданиятини шакллантириш масалалари муҳокама қилинди.

Иштирокчилар тўйнинг чиройи дабдабада эмас, меҳр-оқибат, самимият ва яқинларнинг дуосида экани, бир кунлик тантана деб йиллар давомида қарз тўлашга мажбур бўлиш ҳеч бир оилага қувонч келтирмаслигини қайд этишди. Шу боис маҳалла фаоллари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, ёшларни тўйларни ўз имкониятига қараб, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказишга ундаш муҳимлиги таъкидланди.



*— Олий Мажлис Кенгашлари тасдиқлаган “Тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги Низом раислар учун дастурилamалдир, **— дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи Соғиндиқ Турманов.** — Жараёнда маҳалла раислари тартибни тушунтирувчи, оилани ортиқча харажатлардан огоҳлантирувчи ва жамоатчиликни ушбу ҳолатга жалб қилувчи ташкилотчи сифатида иш олиб бориши зарур. Оила вакилларига ортиқча харажат ва қарздорликка олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар очиб берилиши лозим. Муҳими, тўйларимиз ихчам, тартибли ўтишида маҳалла бутун жараённи назоратга олиши керак.*

Анжуман доирасида Нукус туманидаги “Дийқан арна” маҳалласига ташриф буюрилиб, бу ерда яратилган тажрибалар билан танишилди.

Хоразм вилоятида ташкил этилган анжуманларда тўй ва маросимлар билан бирга, оилавий зўравонлик, тазйиқларнинг олдини олишда маҳалла, оила ва жамият масъулияти масалалари муҳокамалар марказида бўлди.

Маҳалла раиси аҳоли билан доимий мулоқотда бўлгани учун хавфни барвақт аниқлашда дастлабки маълумотга эга бўлади. Бу жараёнда ҳар қандай оилавий келишмовчиликни зўравонлик, деб баҳолаш ёки зўравонлик ҳолатини оддий низо, деб қараш мумкин эмас. Ҳолатни баҳолаш ваколатли ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилади.

Мулоқотда қайд этилганидек, низоли оилалар билан ишлашда маънавий-маърифий, тушунтириш ва психологик ёрдам кўрсатилиши лозим. Зарур ҳолатларда тажрибали оилалар ва фаоллар ёрдамида медиатив ёндашув қўлланади. Зўравонлик ҳолатларида фуқаро ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдамга йўналтирилади. Кейинги кузатув ва профилактик ишлар давом эттирилади.

Анжуманлар республикамизнинг барча ҳудудларида давом этади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

КЎМАК

“Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор тамойилларига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди.

“ЕТТИЛИК” ТАВСИЯСИ БИЛАН МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИ

Фармонга кўра, 2026/2027 йилги иситиш мавсумида **2026 йил ноябрь ойида** қуйидаги тоифадаги оилаларга **1 миллион сўмдан** бир марталик моддий ёрдам ажратилади:

- ***Ижтимоий реестрга** (Реестр) киритилган оилаларга;*
- ***“маҳалла еттилиги”** хулосаси асосида Реестрга киритилмаган, бироқ ижтимоий-иқтисодий ҳолати бўйича Реестрга киритиш мезонларига мос келадиган оилаларга;*
- *ўзгалар парваришига муҳтож бўлган **ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар** ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестридаги фуқароларга, шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар яшаётган оилаларга.*

Айтиш керакки, “еттилик” хулосаси асосида кўмак беришда оиладаги жон бошига даромади минимал истеъмол харажатларининг **икки баробаридан** ошмайдиган, марказлаштирилган иситиш тизимига уланган кўп қаватли уйларда яшовчи оилалар ҳисобга олинади. Шунингдек, туман (шаҳар) штаблари қарорига мувофиқ, ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик даромади юқорида назарда тутилган мезонлардан ошган айрим эҳтиёжманд оилаларга ҳам моддий ёрдам кўрсатилади.



ТЎҚҚИЗ ОЙДА ХОРИЖДАН ҚАЙТГАН 172 минг нафар ўзбекистонлик доимий ишга жойлаштирилди, 349 минг нафари ўзини ўзи банд қилди.



8 та йўналишда “ЙИЛНИНГ ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ” танлови ўтказилади.



Тошкентда “БИЛИМ ТОШКЕНТ” ИЛМ-ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ очилди.

Mahalla

№88

2026 ЙИЛ
31 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

Ёшларга пухта бизнес-режа тузиш, бозор талабини ўрганиш, эҳтимолий хавф-хатарларни баҳолаш ва ўз имкониятига мос қарор қабул қилишда ҳам ёрдам бериш зарур

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

ИМКОНИЯТ БЕРИЛСА, ИНТИЛИШ, АЛБАТТА, САМАРА БЕРАДИ

Ёшлар билан суҳбатлашганимда, уларнинг кўнглида қанча орзу ва режа борлигига яна бир бор амин бўламан. Кимдир доимий иш топиб, оиласига ёрдам беришни истайди, яна кимдир бирор касбни ўрганиб, ўз даромадига эга бўлишни орзу қилади. Тадбиркорликни бошлаш ниятида юрган, аммо илк қадамни ташлашга иккиланаётган ёшлар ҳам учрайди. Шундай пайтларда уларга йўл кўрсатиш, имкониятларини тушунтириш ва қўллаб-қувватлаш жуда муҳим.

Азизбек ЮСУФЖОНОВ, Янги Наманган туманидаги “Меҳнатобод” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳаллада ёшлар етакчиси сифатида фаолият юритар эканман, ҳар бир йигит-қизнинг муаммосига имкон қадар ечим топишга интиламан. Йиғинда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 1 830 нафар ёш истиқомат қилади. Бу — катта имконият ва айни пайтда жиддий масъулият. Чунки уларнинг ҳар бири ўз келажагини қуриш арафасида.

Йил бошида маҳалламизда 297 нафар ишсиз ёш бор эди. Уларнинг бандлигини таъминлаш учун ҳар бири билан алоҳида ишлашга, имкониятига қараб ишга жойлашиш ёки касб ўрганиш йўлларини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Натижада ишсиз ёшлар сони 49 нафарга тушди. Бу, албатта, қувонарли натижа.

Ёшларнинг ўз кучига таяниб, мустақил фаолият бошлашга интилиши ҳам эътиборга лойиқ. Маҳалламизда яшовчи Азизбек Алиев тадбиркорликни йўлга қўйиш ниятида эди, унга “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида кредит ажратилишига кўмаклашилди. Албатта, тадбиркорликни бошлашнинг ўзиёқ масъулият ва қатъият талаб қилади. Ёш инсоннинг ўз олдига мақсад қўйиб, унга эришиш учун ҳаракат қилаётгани эса эътирофга арзийди.



Бандликнинг яна бир муҳим йўли — замонавий касбларни ўргатиш. Ҳозирги даврда бирор ҳунарни пухта эгаллаш ёшлар учун катта имкониятлар эшигини очади. Шу боис маҳалламизда касб-ҳунарга қизиққан йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Фаолиятим давомида 49 нафар ёшга бепул ўқув ваучерлари ажратилишига кўмаклашилди. Улар орасида Эъзоза Рашидова ва Мухлисахон Рашидова ҳам бор. Ушбу имконият орқали улар замонавий касбларни ўрганиш ва ўз билим-кўникмаларини ривожлантириш сари қадам ташлашди.

Ёшларнинг бандлиги ва касб-ҳунар эгаллаши уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш билан ҳам узвий боғлиқ. Ўз олдига мақсад қўйган, меҳнат қилаётган ва келажаги ҳақида ўйлаётган ёшларнинг ҳаётга муносабати ҳам бошқача бўлади. Шу мақсадда профилактика инспектори билан ҳамкорликда мунтазам суҳбатлар, тушунтириш ишлари ва тунги рейдлар ўтказилмоқда.

Қувонарлиси, “Меҳнатобод” маҳалласи жиноятчилик кўрсаткичлари бўйича “яшил” ҳудуд ҳисобланади. Сўнгги уч йил давомида маҳалламизда жиноят содир этилмаган. Бу натижа осойишталикни асраш йўлида янада масъулият билан ишлашга ундайдиган омилдир. Чунки маҳалладаги тинчлик, аввало, оилалар фаровонлиги, ёшларнинг тарбияси ва одамларнинг бир-бирига бефарқ бўлмаслиги билан мустаҳкамланади.

МАНЗАРА

Аввалларимаҳаллада фаолият юритадиган ходимларнинг иши ва масъулиятига бугунгидек эътибор қаратилмасди. Ҳозир эса аҳоли билан очиқ мулоқот, ўзаро ишонч ва ҳамкорликнинг аҳамияти ортиб, маҳалладаги “еттилик” фаолияти одамлар ҳаётига тобора яқинлашмоқда.

Мақсадга элтувчи ҳар бир қадам эътиборда

Содиқжон КАРИМОВ, Косонсой туманидаги “Гузар” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Одамларнинг дардини тинглаб, муаммосига ечим топишга ҳаракат қилсангиз, улар ҳам сизга ишонч билдиради. Бу, айниқса, ёшлар билан ишлашда муҳим. Чунки улар билан ишончли муносабат ўрнатилса, мақсадини англаш, қизиқишини қўллаб-қувватлаш ва тўғри йўналтириш осонлашади.



Маҳалламиз ёшларининг эътиборга молик жиҳатларидан бири — олий таълимга қизиқиши ва ўзини турли соҳаларда синаб кўришга интилишидир. Суҳбатлардан англашиладики, уларнинг мақсади фақат диплом олиш билан чекланмайди. Йигит-қизлар билимли, дунёқараши кенг, замон талабларига мос ва жамиятда ўз ўрнига эга инсон бўлиб камол топишни истайди. Шунинг учун ёшларнинг барчасига бир хил ёндашиб бўлмайди. Олий таълимга киришни мақсад қилган йигит-қиз билан иш қидираётган ёшнинг эҳтиёжи бир-биридан фарқ қилади. Бизнинг вазифамиз — ҳар бирини тинглаш, имкониятларини ўрганиш, муносиб йўл кўрсатиш ва муаммосини ҳал этишда кўмаклашиш.

Жорий йилда маҳалламизда 32 нафар ишсиз ёш рўйхатга олинди. Уларнинг саккиз нафари ишга жойлаштирилди, яна саккиз нафари тўқимачилик соҳасига жалб этилди. Бу йўналиш ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, Азизбек Исоқжонов ҳам ишсиз ёшлардан бири эди. Унинг имкониятларини ўрганиб, тўқимачилик соҳасида иш бошлашига кўмаклашдик.

Ишсиз ёшларнинг бир қисми мактаб битирувчилари экани ҳам алоҳида эътибор талаб қилади. Уларнинг олти нафари таълимнинг кейинги босқичига йўналтирилди: уч нафари олий таълим муассасаларига, яна уч нафари касбий таълимга кирди. Бу каби натижалар ёшлар билан ишлашда уларнинг кейинги қадамини олдиндан кўра билиш ва ўз вақтида йўл-йўриқ кўрсатиш муҳимлигини англатади.

Ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда ёшларга тадбиркорлик кредитлари ҳақида тушунтириш берганимизда, айримлари бу имкониятдан фойдаланишга иккиланди. Бунинг сабаби тушунарли: кредит олиш билан бирга уни қайтариш масъулияти ҳам юзага келади. Шу боис ёшларга кредит таклиф қилишнинг ўзи кифоя эмас. Уларга пухта бизнес-режа тузиш, бозор талабини ўрганиш, эҳтимолий хавф-хатарларни баҳолаш ва ўз имкониятига мос қарор қабул қилишда ҳам ёрдам бериш зарур.

Ёшлар бандлигини таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳам муҳим. Айни шу мақсадда оммалашаётган “Бир ой — тўрт маҳалла” лойиҳаси доирасида йигит-қизларни қизиқишларига мос касбларга йўналтириш, касб-ҳунарнинг аҳамиятини тушунтириш ва спорт машғулотларига жалб этишга эътибор қаратилмоқда.

Зеро, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишнинг ўзи ҳам уларнинг келажагига қўшилган ҳиссадир. Спорт орқали интизомни ўрганган, китоб мутолааси билан билимларини бойитган, ҳунар эгаллашга интилган ёш ўз олдига аниқ мақсад қўяди. Маҳалладаги ишимиз эса ана шу мақсадга етиш учун унга муносиб шароит яратиш ва керакли пайтда ёнида бўлишдан иборат.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

Тажриба қўл келди: ишсизлик камайди, даромад ошди

Маҳалламиз қадимий манзилгоҳлардан бири. Илгари бу ерда кўплаб боғлар бўлган. Шу боис ҳудуд “Боғолон” деб номланган. Бугун ҳам бу анъана давом этмоқда. Маҳалладаги етти юздан ортиқ хонадоннинг деярли ҳар бирида ишкомли узум етиштирилади. Ҳудудимизнинг асосий “драйвери” ҳам узумчилик. Айни пайтда жами 96 гектар майдонда ток парваришланмоқда.

Шокир ХАЛИЛЛАЕВ, Янгибозор туманидаги “Боғолон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси васифасини вақтинча бажарувчи.



Узумчилик ишсизликни камайтириш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим манбаига айланди. Ўтган йили меҳнат миграциясидан қайтиб, узумчилик билан шуғулланиш истагини билдирган 35 нафар фуқарога ер ажратилишига кўмаклашиб, уларнинг бандлигини таъминладик. Жорий йилда ҳам қарийб 30 нафар ишсиз фуқарога аукцион орқали 20 сотихдан ер майдони ажратилди.

Узумчиликни ривожлантиришда маҳалла раиси Иброҳим Каримовнинг ташаббускорлиги алоҳида аҳамиятга эга. У киши тўққиз йил давомида Фарғона вилоятига қатнаб, узум етиштиришнинг сир-асрорларини ўрганди. Тўплаган тажрибасини дастлаб ўз томорқасида, кейин кўчасидаги хонадонларда, сўнгра бутун маҳаллада татбиқ этди. Бугун унинг тажрибасидан ўрнак олиб, яна 11 киши кооперация асосида 11 гектар майдонда узум етиштирмоқда.

Маҳаллада раиснинг тажрибасини ўрганиб, мўл ва сифатли ҳосил олаётган миришкор боғбонлар кўп. Музаффар Хўжаметов ана шундай тадбиркорлардан бири. Айни пайтда унинг 3 гектар токзори бор. Шундай тажрибали деҳқонлар меҳнати самараси ўлароқ, маҳаллада йилига 3 минг тонна узум ҳосили етиштирилиб, махсус транспорт воситаларида экспортга йўналтирилмоқда.

Бугун маҳалламизда 10 та боғдорчилик, 5 та чорвачилик, 2 та паррандачилик ҳамда 4 та пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Аҳолининг бир қисми ушбу хўжаликларда мавсумий иш билан банд. Бу эса одамларнинг меҳнат қилиб, даромад топиши учун қўшимча имконият яратмоқда.

“Боғолон”да томорқачилик ҳам яхши ривожланган. Фуқаролар узумчилик билан бир қаторда, ўз томорқаларида картошка, сабзи, пиёз, помидор, булғор қалампири каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирмоқда. Бу борада Бахтиёр Каримовнинг тажрибаси эътиборга лойиқ. У киши 12 сотих томорқасида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириб, оиласига қўшимча даромад келтирмоқда.

Боғолонликлар мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Аҳолининг қарийб 90 фоизи ўз хонадонларида ўн бошгача чорва моллари боқади. Бунинг ҳисобига оилалар сут, қатиқ, сариёғ ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, ортиқча маҳсулотларни бозорда сотиб, қўшимча даромад ҳам топмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида оилаларнинг турмуш фаровонлиги ошиб, хонадонлар, кўчалар ва маҳалла қиёфаси тобора обод бўлиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, “Боғолон”да узумчилик шунчаки деҳқончилик тармоғи эмас, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини ошириш ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг муҳим омилига айланган. Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ва ўзаро тажриба алмашиш орқали маҳаллада ободлик ва тўкинлик мустаҳкамланмоқда.

ИБРАТ

Авлодлар камолида акс этган сабоқ

Оилада берилган тарбия, ҳалол меҳнатга бўлган ҳурмат ва эл-юртга дахлдорлик ҳисси инсон камолотида муҳим ўрин тутади. Айниқса, фарзандлар ва невараларнинг билимли, одобли, соғлом ва мақсад сари интиладиган инсонлар бўлиб вояга етаётганини кўриш ҳар бир ота-она ва бобо-буви учун катта бахтдир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

Умрзоқ ҒАФФОРОВ, истеъфодаги катта сержант.

Гулистон шаҳридаги “Маънавият” маҳалласида истиқомат қилувчи Келдиёр Ортиқовнинг ҳаёт йўли, оиласида қарор топган аҳиллик ва невараларининг спортда эришаётган ютуқлари ана шундай эзгу қадриятлар ҳақида сўзлашга ундайди. Кўп йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритган бу киши жамоат ишларидаги иштироки билан ҳам эл орасида ҳурмат қозонди. У 2017 йилдан буён “Маънавият” маҳалласида кўча боши сифатида фаолият юритади.

Маҳалладаги ҳар бир инсоннинг ташвишини ўзиники деб билиш, кўни-қўшнилар ўртасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ёшларни эзгу ишларга йўналтириш учун, аввало, одамийлик ва самимият керак. Келдиёр Ортиқовнинг кўп йиллик ҳаётий тажрибаси ва жамоатчилик ишларидаги иштироки ана шу фазилатлар билан аҳамиятлидир.



Унинг ҳаётида оила ҳамиша алоҳида ўрин эгаллаган. Турмуш ўртоғи Ойсанам Ортиқова билан 1987 йилдан буён аҳил ва тотув ҳаёт кечириб келаётгани ҳам оилавий қадриятларга садоқат намунасидир.

Ортиқовлар хонадонининг энг катта бойлиги ҳам ана шу меҳр ва аҳиллиқдир. Уч нафар фарзанд, ўн бир нафар невара — хонадоннинг қувончи, давомчилари ва келажакка бўлган ишончидир. Айниқса, неваралар орасида спортга меҳр қўйиб, турли мусобақаларда ўз иқтидорини намоён этаётган ёшлар борлиги оила аъзоларига янада кўпроқ қувонч бағишлайди.

Жумладан, Исломжон Ортиқов 2021 йилдан буён бокс билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Спортга бўлган қизиқиши уни ўз устида ишлашга ва мусобақаларда тажриба орттиришга ундаётир. Бокс ёш спортчидан нафақат жисмоний куч, балки сабр-тоқат, қатъият, интизом ва иродани талаб этади. Исломжон машғулотлар жараёнида ана шу фазилатларни ўзлаштириб, беллашувларда ўз маҳоратини синовдан ўтказяпти. Ўтган вақт давомида у туман, шаҳар ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритди.

Исломжоннинг спортда эришаётган ютуқларида бобосининг алоҳида ўрни бор. Бобо неварасининг ҳар бир ютуғидан қувониб, унинг интилишларини қўллаб-қувватлайди, спортга бўлган қизиқишини янада оширишга руҳлантиради. Унинг ҳаётий тажрибаси, самимий насиҳатлари ва доимий далдаси Исломжон учун катта мададдир.



“Ватан меҳри юрагимда” шиори остида “ТЎМАРИС ИЗДОШЛАРИ” Республика ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.



“АЁЛЛАР ДАФТАРИ” ЖАМҒАРМАСИ орқали жарроҳлик амалиётисиз даволаниш харажатлари учун БҲМнинг 50 бараваригача маблағ қоплаб берилиши белгиланди.



Пойтахтимизда меҳнат миграциясидаги ва ишсиз хотин-қизлар билан ОЧИҚ МУЛОҚОТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Баъзан инсон ҳаётидаги энг муҳим бурилиш ўз вақтида кўрсатилган кичик бир эътибордан бошланади. Айниқса, ҳаёт синовларига эрта дуч келган, ота-она меҳри ва кўмагига муҳтож болалар учун бундай қўллаб-қувватловнинг қадри беқиёс. Чунки уларга нафақат моддий ёрдам, балки ўз кучига ишониш, келажагини тасаввур қилиш ва мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиш имконияти ҳам керак.

“ЁШЛАРНИ ЎЗ КУЧИГА ИШОНТИРЯПМИЗ”

Манзура АТОЕВА,
Жондор туманидаги “Ёш куч” маҳалласи ижтимоий ходими.

Маҳалламизда 3 500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг орасида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 15 нафар бола бор. Гўдакларнинг ҳар бири алоҳида эътибор, ёндашув ва доимий қўллаб-қувватлашга муҳтож. Шу боис иш жараёнида нафақат уларнинг ижтимоий аҳволи, балки қизиқишлари, қобилияти ва келажак режаларини ҳам ўрганишга ҳаракат қиламан.

Фирдавс Бозоров ҳам ана шундай ёшлардан бири. У ота-онасидан эрта айрилган. Васийлиги холасининг келини Маҳфуза Акбарова зиммасида бўлган йигит ҳозирда 42-умумтаълим мактабида таҳсил олади.

Унинг ҳаёти, қизиқишлари ва келажакдаги интилишлари билан танишар эканман, энг аввало, мустақил касб эгаллашига кўмаклашиш зарурлигини англадим. Зеро, боланинг бугунги эҳтиёжини қондириш билан бирга, уни эртанги ҳаётга тайёрлаш ҳам бизнинг муҳим вазифамиздир.

Шу мақсадда “Ёшларга ҳамроҳлик” дастури доирасида Фирдавсга пайвандлаш ва сартарошлик билан шуғулланиши учун зарур асбоб-ускуналар олиб берилишига кўмаклашдик. Бу ёрдам орқали унинг касб ўрганишга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш, меҳнат қилиб, келажакда ўз даромадига эга бўлиши учун дастлабки имкониятни яратишни кўзладик.



Бугун Фирдавс маҳалламиздаги сартарош усталардан бирига шогирд тушиб, ҳунар сирларини ўрганмоқда. Унинг касбга бўлган қизиқиши, янги билим ва кўникмаларни эгаллашга интилиши мени қувонтиради. Чунки ёшнинг қўлида ҳунар бўлиши — унинг келажакдаги мустақиллиги учун мустаҳкам пойдевор демакдир.

Менимча, ижтимоий ходимнинг вазифаси фақат мурожаатларни қабул қилиш, муаммоларни ўрганиш ёки бир марталик ёрдам кўрсатишдан иборат эмас. Ҳар бир инсоннинг ҳаётига дахлдор масалани ўз вақтида англаш, унинг имкониятларини кўра билиш ва муносиб ечим топиш ҳам муҳим. Айниқса, ёшлар билан ишлаганда уларнинг ўрнига қарор қабул қилиш эмас, балки ўз йўлини топишига кўмаклашишимиз керак.

Баъзан бир болага берилган имконият унинг бутун ҳаёт йўлини ўзгартириши мумкин. Бугун касб ўрганаётган, устозига эргашиб ҳунар сирларини ўзлаштираётган Фирдавс эртага ўз меҳнати билан оиласига мадад бўладиган, жамиятда муносиб ўрин эгаллайдиган инсон бўлиб етишишига ишонаман.

Фаолиятим давомида шунга амин бўлдимки, болаларга берилган эътибор ҳеч қачон зое кетмайди. Уларнинг ҳар бирига ишонч билдириш, қобилиятини юзага чиқариш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш орқали биз нафақат бир инсоннинг, балки жамиятнинг ҳам келажагига ҳисса қўшамиз.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

МАОШ МАСЪУЛИЯТГА МУНОСИБ БЕЛГИЛАНГАНИ МАЪҚУЛ

Бир ярим йил аввал маҳаллага раҳбар сифатида сайланганимда, бу вазифанинг масъулияти, одамлар тақдири билан боғлиқ муаммолар кўлами ва зиммамга юкланадиган вазифалар нақадар катта эканини тўлиқ тасаввур қилмаган эканман. Дастлаб бироз ҳаяжонландим, ҳатто чўчидим ҳам. Аммо вақт ўтиши билан бир нарсани англадим: маҳаллада ишлаш учун, аввало, одамларни тинглаш, уларнинг дардини ҳис қилиш ва муаммосига бефарқ бўлмаслик керак.



Мирзоҳид БОЛТАБОЕВ,
Хўжаобод туманидаги “Ордай” маҳалласи раиси.

Энг муҳим масала — хонадонларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, одамларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашишдир. Иш бошлаганимизда ҳудудимизда 96 та камбағал оила бор эди. Тизимли ишлаш, ҳар бир хонадоннинг имконият ва эҳтиёжларини алоҳида ўрганиш орқали бу кўрсаткични 23 тага туширишга эришдик.

Ш у боис ишни аҳоли билан яқиндан танишишдан бошладим. Кўпроқ хонадонларга кирдим, одамлар билан суҳбатлашдим, нуронийларнинг маслаҳатини олдим. Илгари маҳаллага раислик қилганлар билан маслаҳатлашдим. Чунки ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос муаммолари, йиллар давомида шаклланган тажрибаси бор. Уларни ўрганмасдан туриб, самарали иш ташкил этиш қийин.

Фаолиятимнинг дастлабки кунларидаёқ ҳудуддаги 160 та хонадонда ичимлик сув таъминоти билан боғлиқ муаммо мавжуд эди. Бу масала одамларнинг кундалик турмушига жиддий таъсир кўрсатаётганини кўриб, уни ҳал этишни устувор вазифа сифатида белгиладик. Изланишлар, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик ва аҳоли кўмагида етти-саккиз ой давомида ушбу муаммони бартараф этишга эришдик.

Йўллар масаласи ҳам эътиборимиздан четда қолмади. 8,5 км. ички ва катта кўчалар асфальтланди. Бу, бир қарашда, оддий инфратузилма ишидек туюлиши мумкин. Аммо аҳоли учун ҳар бир ўзгариш кундалик ҳаётдаги қулайлик, болаларнинг мактабга, катталарнинг ишга бехатар қатнаши, ҳудуднинг янада обод бўлиши демакдир.

Бунда оила аъзоларини банд қилишга алоҳида эътибор қаратдик. Кимгадир субсидия, кимгадир имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашдик. Айрим хотин-қизларни тикувчилик корхоналарига ишга жойлаштирдик. Бошқалари эса уй шароитида чеварчилик билан шуғулланиб, даромад топишни бошлади. Чорвачиликни йўлга қўйиш истагида бўлган оилаларни ҳам қўллаб-қувватладик.

Маҳалламизнинг асосий иқтисодий таянчи чорвачилик ва деҳқончилик ҳисобланади. Айниқса, гилос етиштириш ҳудудимиз аҳолиси учун муҳим даромад манбаи. Хонадонларнинг қарийб 90 фоизида “Қўқон” гилоси етиштирилади. Маҳсулотнинг бир қисми Европа давлатларига экспорт қилинади. Бу эса аҳолига қўшимча даромад олиш имконини бермоқда. Бир оиланинг мазкур йўналишдан оладиган ўртача йиллик даромади 20-30 миллион сўмни ташкил этади.

Албатта, бу соҳада ҳам ўз ечимини кутаётган масалалар бор. Сўнгги йилларда об-ҳаво ва иқлим шароитидаги ўзгаришлар ҳосилдорликка таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли деҳқонларимиз иқлимга мос, чидамли навларни танлаш ва экишга қизиқиш билдирмоқда. Бу борада тажрибали боғбонлар маслаҳати, илмий тавсиялар ва янги агротехнологияларнинг аҳамияти катта.

Масалан, Эгамберди Мансуров қарийб 20 йилдан буён гилос етиштириш билан шуғулланади. У 15 сотих томорқасида боғ яратган. Йиллар давомида тўплаган тажрибаси туфайли атрофидаги қўни-қўшниларга ҳам бу борада маслаҳат бериб келади. Маҳалламизда ана шундай тажрибали инсонлар кўп.

Гилосдан ташқари, ҳудудимизда саримсоқ, сабзи ва пиёз етиштириш ҳам кенг йўлга қўйилган. Келгусида деҳқончиликда замонавий усулларни жорий этиш, маҳсулот етиштириш ҳажми ва сифатини ошириш, бозорбоп маҳсулотлар турини кўпайтиришни мақсад қилганмиз.

Маҳалламизнинг яна бир қувонарли жиҳати — ёшларимизнинг илмга, замонавий касбларга интилаётганидир. Бугун кўплаб йигит-қизлар компьютер технологиялари ва хорижий тилларни ўрганмоқда. Айни вақтда 25 нафар ёшимиз хорижий университетларда таҳсил оляпти. Уларнинг бу интилишлари бизга катта умид бағишлайди. Зотан, билимли, дунёқараши кенг, замонавий касбларни эгаллаган ёшлар нафақат ўз оиласининг, балки бутун маҳалланинг келажагини белгилайди.

Шу ўринда, маҳалла раисларининг меҳнати ва масъулиятига мос равишда ойлик маошларини ошириш масаласи ҳам эътиборга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки бугунги кунда уларнинг иши белгиланган вақт билан чегараланмайди. Доимий мулоқот, тезкорлик ва катта масъулият талаб этилади.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Аёлнинг дардини тинглаш, унинг ички кечинмаларини англаш осон иш эмас. Баъзан бир оғиз тасалли, самимий суҳбат ёки ўз вақтида кўрсатилган амалий ёрдам инсон ҳаётида катта ўзгариш ясаши мумкин. Шунинг учун маҳалла тизимидаги фаолиятим давомида ўз олдимга, аввало, хотин-қизларнинг дардига қулоқ тутиш, уларнинг муаммоларини биргаликда ҳал этиш ва ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишни мақсад қилиб қўйганман.

Ёш болали аёлларга маҳалланинг ўзида иш бўлса...

Бахтигул КАРИМОВА,
Зарбдор туманидаги “Янгикент” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Н изоли оилалар билан ишлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик муҳим. Чунки келишмовчиликлар ортида кўпинча бир-бирини тушунмаслик, моддий қийинчилик, масъулиятнинг етишмаслиги ёки йиллар давомида йиғилиб қолган ранжишлар туради. Бундай вазиятда фақат икки томонни яраштириш эмас, балки уларни муаммонинг сабаблари ҳақида ўйлашга, бир-бирини эшитишга ундаш керак. Айниқса, фарзандлар тақдири, уларнинг руҳий хотиржамлиги ҳар қандай қарорда устувор бўлиши лозим.

Ҳозирда иш олиб бораётган оилаларимиздан бирида ҳам асосий келишмовчилик моддий қийинчиликлар туфайли келиб чиққан. Тўрт нафар фарзанди бор аёл турмуш ўртоғи билан ўзаро келишмовчиликлар сабаб онасиникига кетиб қолган. Хонадоннинг иқтисодий аҳволини яхшилаш, аёлнинг доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашиш мақсадида уни янги ташкил этилаётган тикувчилик корхонасига ишга жойлаштириш чораларини кўряпмиз. Ҳоким ёрдамчиси ҳам бу борада амалий кўмак бермоқда.

Албатта, ишга жойлаштиришнинг ўзи барча муаммони ҳал қилмайди. Эр-хотин ўртасида ўзаро ҳурмат, масъулият ва тушуниш ҳам бўлиши керак. Шунинг учун оила билан ишлашни давом эттиряпмиз.

Фаолиятимизда хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Чунки ўз касби, ҳунари ва даромадига эга бўлган аёлнинг имкониятлари кенгаяди, ўзига бўлган ишончи ортади. Айниқса, мактаб битирувчиларини олийгоҳ кириши ва касб-ҳунар эгаллашга йўналтириш, уларнинг келажакда ишсиз қолиб кетмаслиги учун зарур имкониятлар яратиш муҳим вазифаларимиздан бири.



Айни вақтда хотин-қизларни уй ҳамшералиги бўйича ўқитяпмиз. Келгусида сартарошлик, тикувчилик ва пазандачилик курсларини ҳам йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Ниятимиз — аёлларимиз фақат билим ва кўникма олибгина қолмай, уларни амалда қўллаб, ўзини ўзи банд қилиши ва даромад топишига эришиш.

Ёш болали аёллар узоқ масофага қатнаб ишлашда қийинчиликка дуч келади. Шу сабабли улар яшаш жойига яқин ҳудудда ишлаш, тикувчиликни ўрганиш ва уй шароитида даромад топиш истагини билдиришмоқда. Биз ҳам уларнинг таклифларини инобатга олиб, тикувчилик йўналишида янги ташаббусларни кенгайтириш, ўқув курслари ва иш ўринларини ташкил этиш устида ишлаяпмиз.

Аёллар тадбиркорлиги ва ҳунармандчилиги ҳақида сўз кетганда, Ҳадича Холиқованинг фаолиятини алоҳида таъкидлашни истардим. У беш-олти йилдан буён миллий ҳунармандчилик билан шуғулланиб келади. Дастлаб уйида тикувчилик қилган бўлса, бугун алоҳида бино олиб, ўз фаолиятини кенгайтирди. Миллий кийимлар тикиш билан бирга, миллий матолар уйғунлигида замонавий ва ўзига хос дизайндаги либослар яратади. Энг қувонарлиси, у ўз меҳнати билан нафақат оиласига даромад келтирмоқда, балки 12 нафар хотин-қизнинг доимий бандлигини ҳам таъминлаган.

Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаол бўлиши фақат меҳнат ва бандлик билан чекланмайди. Уларнинг маънавий ҳордиқ чиқариши, дунёқарашини кенгайтириши, ҳаётга қизиқишини ошириш ҳам муҳим. Шу мақсадда ёши катта аёллар учун зиёратгоҳларга саёҳатлар ташкил этяпмиз. Бундай сафарлар уларга ҳам маънавий озуқа, ҳам кундалик ташвишлардан бироз узилиб, ҳамсуҳбатлар даврасида вақт ўтказиш имконини беради.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

ДАРОМАД МАНБАИ

Хорижда топганингдан хонадонда тотганинг тотлироқ

Шофиркон туманида истиқомат қиладиган Дилноза Аслонова ҳамда унинг умр йўлдоши Ихтиёр Болтаев бир неча йил хорижда меҳнат қилиб, оиласини моддий жиҳатдан таъминлашга ҳаракат қилишди. Бироқ чет элда ишлаш, яқинларидан, айниқса, уч нафар фарзандидан узоқда яшаш улар учун осон кечмади.

Қафолатланмаган меҳнат шароити эр-хотинни юртга қайтиб, шу ерда, оиласи бағрида ишлаб, рўзғори кам-кўстини бартараф этишга ундади. Жуфтлик бор имкониятдан унумли фойдаланиб, тадбиркорликка бел боғлади. Маҳалла ходимлари ва оила аъзоларининг яқин кўмаги уларга мадад бўлди. Шу тариқа, эр-хотин ширмой нон ва патир пиширишни бошлади.



Бунинг учун дастлаб зарур маблағ сарфланиб, ун ва ўтин жамғарилди. Бир йил бурун кичик қадамдан бошланган бу ташаббус бугун амалий самарасини кўрсатмоқда. Новвойхонада бир кунда ўртача 80-100 дона патир ва 200 донагача уй нони пиширилиб, сотувга чиқариляпти. Эр-хотиннинг айтишича, айрим кунларда сарф-харажатдан ташқари, қарийб 800 минг сўм соф фойдага эришилмоқда.

Дилноза Аслонова фаолиятидан руҳланиб, фақат оилавий даромад билан чекланиб қолмади. У ўз ташаббуси орқали ҳозирда тадбиркорлик фаолиятига саккиз нафар хотин-қизни ҳам жалб этиб, улар билан бирга моддий манфаатга эришмоқда. “Ишбай” асосда меҳнат қилаётган аёллар кунига 200 минг сўм атрофида даромад қиляпти.



Тошкентда йил бошидан буён ЙЎЛ ҲАҚИНИ ТЎЛАМАГАН 134 мингдан ортиқ йўловчига баённома расмийлаштирилди.



Ҳисоб палатаси: январь-сентябрь ойларида давлат харидларида 10,2 триллион сўмлик ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИ БУЗИЛДИ.



Ўзбекистонда тўққиз ойда 33 минг 755 та корхонага 16 ТРИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ ҚҚС қайтарилди.

Mahalla

№88

2026 ЙИЛ
31 ОКТЯБРЬ,
ШАНБА

Бугун “маҳалла еттилиги” ҳамжиҳатликда ишласа, масъуллар кўмакдош, фуқаролар елкадош бўлиб, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашса, уддалаб бўлмайдиган вазифанинг ўзи йўқ

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

Эл осойишталиги учун бедор кўзлар керак

Бугун маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида профилактика инспекторларининг ўрни беқиёс. Зеро, маҳалла тинч бўлса, хонадонларда хотиржамлик, жамиятда эса барқарорлик ҳукм суради.



Суяр ХУДОЙҚУЛОВ,
Китоб туманидаги “Боғбон” маҳалласи профилактика инспектори, майор.

Мен ҳам тўрт йилдан буён ўзимга бириктирилган маҳаллада ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда хизмат қилиб келяпман. Маҳалладаги хизмат уйимда яшаб, боғбонликларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун кечаю кундуз ҳозирман. Мен учун хизмат фақат иш вақти билан чекланмайди: аҳолининг хотиржамлиги энг муҳим вазифам. Шу боис дастлаб учта қишлоқда ўғрилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлиши мумкин бўлган қоронғу кўчаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатдик. Кейинги босқичда эса инсон юзини таниш, автотранспорт воситаларининг давлат рақамларини аниқлаш имкониятига эга замонавий видеокузатув қурилмалари ишга туширилди. Бу чора-тадбирлар ўз самарасини берди: уч йилдан буён маҳалламизда бирорта жиноятчилик ҳолати қайд этилмади. Албатта, бу – “маҳалла еттилиги”, фаоллар ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамжиҳатлигида олиб борилган профилактик ишларнинг натижасидир.

Бироқ бугун жиноятчиликнинг шакл ва усуллари ўзгармоқда. Кўча-кўйда эмас, балки интернет оламида фаолият юритаётган кўринмас жиноятчилар фуқаролар осойишталигига таҳдид солмоқда. Шу боис кибержиноятчиликнинг олдини олиш профилактик ишларимизнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Бу борада маҳаллада тарғибот ва тушунтириш тадбирларини ташкил этяпмиз. Учрашувларда интернет орқали содир этиладиган фирибгарлик турлари, банк карталари ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, шубҳали ҳаволаларга кирмаслик, нотаниш шахсларга “SMS” кодларни бермаслик зарурлигини тушунтиряпмиз.

Айни йўналишда умумтаълим мактаблари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ўқувчиларга кибержиноятчиликдан ҳимояланиш, телефон қурилмаларига “APK Qo‘riqchi” иловасини ўрнатиш ва ундан фойдаланиш тартибини ўргатяпмиз. Эътиборлиси, ўқувчилар бу билимларни уйларига бориб, ота-оналари ва яқинларига етказишяпти, уларнинг телефонларига ҳам иловани ўрнатишда кўмаклашяпти.

Афсуски, олиб борилаётган профилактик тадбирларга қарамай, айрим фуқароларнинг ҳушёрликни йўқотиши уларни фирибгарлар тузоғига туширмоқда. Яқинда шундай ҳолатлардан бирига гувоҳ бўлдик. Ўрта ёшли бир аёл интернет орқали онлайн савдо қилишга қизиқиб, турли саҳифаларни кузатаётганида зарарли “APK” файлга дуч келган. Қизиқиш устун келиб, файлни очган. Бу эса фирибгарларга унинг шахсий маълумотларидан фойдаланиб, номига 5 миллион сўм миқдорида кредит расмийлаштириш имконини берган. Фуқаро хатосини англаганида эса кеч бўлган эди.

Бу каби ҳолатлар бир ҳақиқатни яна бир бор исботлайди: рақамли дунёдаги ҳар бир босилган ҳавола, очилган файл ёки берилган код ортида қандай хавф яширинганини билиш зарур. Шу боис киберхавфсизлик маданиятини шакллантириш, аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш борасидаги ишларимизни янада кучайтиряпмиз. Хусусан, фуқароларга нафақат кибержиноятчилик, балки онлайн савдо, интернет орқали ташкил этиладиган турли семинар-тренинглар ва машғулотларда ҳам хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш зарурлигини тушунтиряпмиз.

Албатта, профилактика инспекторининг кундалик фаолияти фақат жиноятчилик ва киберхавфсизликнинг олдини олиш билан чекланмайди. Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, низоли оилаларни яраштириш, оилавий муаммоларни бартараф этиш каби кўплаб вазифалар ҳам зиммамизда. Шунингдек, маҳалла аҳолисининг асосий даромад манбаларидан бири бўлган чорва молларини қаровсиз қолдирмаслик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бу борада хонадон эгалари билан профилактик суҳбатлар ўтказиб, чорва молларини назоратсиз қолдирмаслик юзасидан тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

Яқинда Ички ишлар вазирлиги ташкил этилганининг 35 йиллиги муносабати билан Президентимиз фармони асосида “Шуҳрат” медали билан тақдирланганим мен учун катта шараф ва масъулият бўлди. Албатта, бу эътирофни фақат ўз меҳнатимнинг эмас, балки маҳалламиздаги фаоллар, ҳамкасблар ва аҳоли билан ҳамжиҳатликда амалга оширган ишларимиз самарасининг юксак баҳоси, деб биламан. Бундай эътибор инсонга куч-ғайрат бағишлайди, зиммасидаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этишга ундайди.

Мен учун энг катта мукофот — маҳаллада тинчлик ҳукм суриши, хонадонларда болаларнинг кулгиси янграши, ота-оналарнинг хотиржам яшаши. Зеро, маҳалла тинчлиги — юрт тинчлигининг мустаҳкам пойдеворидир.

Суяр Худойқулов
Ички ишлар органлари ходимлар куни муносабати билан Президентимиз фармони асосида “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Фаровонлик тайёр келмайди, унинг замирида меҳнат ва матонат бор

Ўн олти йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бугун маҳалла раислари зиммасига катта масъулият юкланган: улар ўз ҳудудининг йўлбошчиси, ислоҳотчиси бўлиши керак. Бунинг учун у аҳоли муаммоларини яхши билиши, ҳар бир хонадоннинг даромад манбаини яратишга кўмаклашиши, одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган ташаббусларни илгари суриши лозим.

Журъат РЎЗМЕТОВ,
Хива туманидаги “Оқ ёп” маҳалласи раиси.





Мен ҳам раис этиб сайланганимдан сўнг, дастлабки фаолиятимни ана шундай йўналишдан бошладим. Аввало, ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда деҳқончилик қилиш истагини билдирган 60 нафар ишсиз фуқарога маҳалламизнинг энг чеккасида, Туркманистон Республикаси билан чегарадош — қумлоқ ҳудуддан аукцион орқали ер майдонлари ажратилишига кўмаклашдик.

Экинларни суғориш муаммосини ҳал этиш мақсадида 50 метр чуқурликда иккита артезиан қудуғи қазилиб, насослар ўрнатилди. Сув чиқариш тизимини электр энергияси билан таъминлаш учун ҳар бири 5 киловатт қувватга эга иккита қуёш панели ўрнатилди. Ҳар бир ер майдони оралиғига нок, олма, ўрик каби мевали дарахтлар экилди. Орадан уч йил ўтиб, экилган навниҳоллар ҳосилга кирди.

Шуҳрат Машарипов ана шу 60 нафар миришкор деҳқондан бири. У қовун-тарвуз ва пиёз етиштириб, оиласи фаровонлигини таъминламоқда. Роҳатой Исмоилова эса 3 гектар майдонда боғ яратиб, ундан мўл ҳосил олмоқда. Бу ўзгаришларни кўрган яна 10 нафар ишсиз фуқаро деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирди. Уларга сув билан таъминланган ҳудудлардан ер майдонлари ажратилишига кўмаклашдик.

Бугун “маҳалла еттилиги” ҳамжиҳатликда ишласа, масъуллар кўмакдош, фуқаролар елкадош бўлиб, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашса, уддалаб бўлмайдиган вазифанинг ўзи йўқ. Ана шу ҳамкорлик асосида юзга яқин хонадонда иссиқхона ташкил этилди. Ҳозирда ушбу иссиқхоналарда помидор, бодринг, булғор қалампири, сабзи, шолғом ва турли хил кўкатлар етиштирилмоқда. Хонадон эгалари етиштираётган маҳсулотлар оила дастурхонини тўлдириш билан бирга, қўшимча даромад манбаига ҳам айланди.

Ижтимоий реестрга киритилган 122 нафар фуқаронинг 54 нафари даромадли қилинди. Эътиборлиси, ҳар бир фуқаронинг қизиқиши, имконияти ва истагидан келиб чиқиб, муносиб даромад манбаини яратишга ҳаракат қилдик. Натижада аксарият оилаларнинг турмуши чорвачилик ва деҳқончилик орқали яхшиланди.

Оллоёр Бобожонов ҳам шундай фуқаролардан бири. У имтиёзли кредит асосида 15 бош наслли қорамол харид қилиб, ўз хўжалигини йўлга қўйди ва барқарор даромад манбаига эга бўлди.

Бугун маҳалламиздаги хонадонларда уч бошдан йигирма бошгача чорва моллари парваришланмоқда. Чорвадорлар етиштирган сут ва гўштни қаерда сотиш ҳақида бош қотирмайди — маҳсулотнинг харидори бор. Ҳар куни маҳалланинг ўзидан уч тоннадан ортиқ сут олиб кетилади. Айрим фуқаролар эса тўрт километр нарида жойлашган Хива шаҳридаги деҳқон бозорига маҳсулотларини олиб бориб сотади. Гўшт маҳсулотлари ҳам шу тариқа харидорларга етказилади.

Натижада бугун оқёпликлар нафақат Хива тумани, балки Хива шаҳри аҳолисини ҳам қишлоқ хўжалиги, сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Албатта, эришилаётган натижалар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг замирида аҳоли билан доимий мулоқот, муаммоларга амалий ечим топиш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва ҳамкорликда ишлаш каби омиллар мужассам.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Муҳиддин ҚУРБОНОВ.
Қашқадарё вилояти:

— Иш ва оилавий масалалар юзасидан турли суд ишларида қатнашдим. Аксарият ҳолатда адвокатга эмас, ҳуқуқий билимимга ишониб, ўзимни ўзим ҳимоя қилдим. Бу масалада ёрдам сўраб келган фуқароларга ҳам маслаҳатлар бердим. Аста-секин менда ҳуқуқшунос бўлиш иштиёқи пайдо бўлди. Олий маълумотлиман, ҳуқуқшуносликда қисқа ўқув-курслари борми?

ҲУҚУҚШУНОС БЎЛИШ УЧУН ҚИСҚА ЎҚУВЛАР БОРМИ?



Муҳаммаджон КАРИМОВ, ҳуқуқшунос:

— Айни пайтда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти сиздек олий маълумотга эга бўлган шахсларни масофавий таълим шаклида ташкил этиладиган олти ойлик юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларига қабул қиляпти. Курсларга барча олий маълумотли шахслар ҳужжат топширишлари мумкин. Ҳужжатларни қабул қилиш 5 октябрдан 5 ноябрга қадар “qabul.minjusttraining.uz” сайти орқали амалга оширилади.

Битирувчиларга диплом берилиб, улар юридик хизмат, давлат хизматлари марказлари ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида, адвокатура ва нотариат тизимида, юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотларида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлади.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Тадбиркорлик истакдан эмас, дадил қадамдан бошланади

Маҳалланинг иқтисодий ўсиши, аввало, шу ерда яшаётган аҳолининг турмуш тарзидаги ўзгаришларда намоён бўлади.

Бекзод АБДУЛЛАЕВ,
Риштон туманидаги “Хўжа қишлоқ” “Полвонобод”, “Зоҳидон”, “Сўхобод” ва “Амиробод” маҳаллалари солиқ инспектори.



“Хўжа қишлоқ” маҳалласида яшовчи Фахриддин Холдоровнинг фаолияти бунга бир мисол. Асли касби дурадгорлик бўлган бу йигит аввалларидан мебель усталарига ёрдамчи бўлиб ишлаган. Бироқ у ўз меҳнати билан мустақил даромад топиш, янги йўналишда ўзини синаб кўришни истарди. Натижада туман учун нисбатан янги бўлган шампиньон қўзиқорини етиштиришни бошлади.

Энг муҳими, у мавжуд майдондан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. Бино ичида тўрт қаватли махсус токчалар ўрнатиб, қўзиқорин етиштириш учун зарур намлик ва ҳарорат шароитини яратди. Тадбиркорнинг фаолияти билан танишар эканман, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш билан бирга, маҳсулот етиштириш ва сотишдан тушадиган даромадни ҳисобга олиб бориш, харажатларни ҳужжатлаштириш ҳам муҳимлигини тушунтирдим.

Шунингдек, қўзиқорин етиштириш жараёни билан ҳам қизиқдим. Аввал махсус озуқа муҳити — “субстрат” тайёрланади, бунинг ўзи бир ойча вақт олади. Уруғ экилгач, 45-50 кун давомида намлик ва ҳарорат назорат қилиниб, парваришланади. Дастлабки теримда 130 килограммгача, кейинги теримларда 35-40 килограмм ҳосил олинади. Бир килограмм маҳсулот ўртача 65 минг сўмдан сотилмоқда. Маҳсулотга талаб борлиги Фахриддиннинг даромадини оширибгина қолмай, солиқ мажбуриятларини ҳам ўз вақтида бажариши учун имконият яратди.

Фахриддин энди фаолиятини янада кенгайтиришни мақсад қилган. Ҳовлисидаги олти сотих ер майдонида қўшимча бино қуриб, қарийб 300 квадрат метрлик ишлаб чиқариш жойини ташкил этмоқчи.

Бу эса солиқ ҳисоб-китобларини ҳам қайта кўриб чиқишни талаб этади. Чунки фаолият кенгайганда ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот сотувидан тушадиган даромад, ишчилар сони ва танланган солиқ тартибига қараб мажбуриятлар ҳам ўзгаради.

Бугун Фахриддин беш нафар оила аъзосининг бандлигини таъминлаган. Дастлабки фойдасининг катта қисмини сарфлаган маблағини қоплашга йўналтирган бўлса, энди янги ҳосиллардан олинадиган даромад орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниятида. У озуқани ҳам мустақил тайёрлаб, қўзиқорин етиштиришга қизиққан маҳалладошларига ўз тажрибасини ўргатмоқчи.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.



Кўмир сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун МОДДИЙ ЁРДАМ ТЎЛАШ 2029 йил 1 январга қадар давом этади.



Наманган вилояти тиббиёти тарихида илк бор ЖИГАР КЎЧИРИБ ЎТКАЗИШ бўйича мураккаб жарроҳлик амалиёти муваффақиятли бажарилди.



Жорий йилда давлат-хусусий шериклик асосида 139 та янги “ИЖТИМОИЙ ДОРИХОНА” очилди.

ТАҲЛИЛ

Оила масъулияти унут бўлиб боряпти...(ми?)

Оила осонгина қурилмайди. Уни барпо этиш учун икки инсоннинг бир-бирига меҳри, ишончи ва интилиши кифоя қилгандек туюлади. Аммо бир умрлик ҳаёт йўлига қадам қўйиш, турли синовлар қаршисида бир-бирини тушуниш, масъулиятни тенг ҳис этиш ва муаммоларни биргаликда енгиб ўтиш анча мураккаб жараён. Балки шунинг учун ҳам оила қуриш ҳақидаги қарор нафақат қалб амри, балки ҳаётий тайёргарлик ва онгли масъулиятни ҳам талаб этади.

Шаҳноза АКБАРАЛИЕВА.



Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистонда 172 мингта никоҳ қайд этилган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,8 фоиз кам. Шу даврда никоҳдан ажрашганлар сони 36,8 мингтани ташкил этиб, бир йил аввалги кўрсаткичдан 1,4 мингтага ошган.

Никоҳлар сонининг камайиши ва ажрашишлар кўрсаткичининг ортиши, шубҳасиз, жиддий эътиборга молик. Бироқ бу рақамларни шунчаки таққослаш билан чекланиб бўлмайди. Уларнинг замирида қандай ижтимоий омиллар борлиги, ёшларнинг оила қуришга муносабати қандай ўзгараётгани ва муаммолар нега чуқурлашаётганини ҳам ўрганиш лозим.

АВВАЛО, ТАҲЛИЛ КЕРАК

— Никоҳлар сонининг камайиши ҳақида гап кетганда, энг аввало, ёшларнинг оила қуришга бўлган муносабати, иқтисодий имкониятлари ва келажак режаларига эътибор қаратиш керак, — ***дейди Урганч туманидаги “Орзу” маҳалласи хотин-қизлар фаоли Гулоро Атоева.*** *— Таълим олиш, касб эгаллаш, муносиб иш топиш, уй-жой масаласини ҳал этиш каби омиллар оила қуриш вақтини белгилашга таъсир қиляпти. Бироқ бу омилларнинг ҳар бири никоҳлар сонидаги ўзгаришга қай даражада таъсир кўрсатаётганини аниқлаш учун алоҳида таҳлил зарур.*

Айни пайтда никоҳдан ажрашишлар кўрсаткичининг ортишини ҳам биргина сабаб билан изоҳлаб бўлмайди. Оилавий муносабатлардаги келишмовчиликлар, ўзаро ишончнинг сусайиши, моддий қийинчиликлар, масъулиятни ҳис этмаслик ёки қариндошларнинг эр-хотин ҳаётига ортиқча аралашуви низоларни кучайтириши мумкин. Баъзан эса муаммолар ўз вақтида муҳокама қилинмагани, томонлар бир-бирини эшитишни истамагани учун оддий тушунмовчилик ҳам жиддий зиддиятга айланади.

Энг муҳими, оилавий муаммоларни фақат ёшларнинг тажрибасизлиги ёки сабрсизлиги билан изоҳлаш тўғри эмас. Ҳар бир оиланинг шароити ва муносабатлари ўзига хос. Шу боис ажрашиш сабабларини чуқур ўрганиш, келишмовчиликларнинг олдини олишга қаратилган чораларни айнан шу таҳлиллар асосида белгилаш зарур.

СОҒЛОМ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУҲИМ

Оила мустаҳкамлиги ҳақида сўз борганда, ажрашишнинг олдини олиш масаласи, албатта, муҳим. Аммо оилани ҳар қандай шароитда сақлаб қолишни ягона мақсадга айлантириш ҳам тўғри эмас. Зўравонлик, тазйиқ ёки инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирадиган вазиятларда жабрланувчининг хавфсизлиги ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш биринчи ўринда туриши шарт.

Демак, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш деганда, фақат ажрашишлар сонини камайтириш эмас, балки соғлом муҳитни шакллантириш, эр-хотиннинг ўзаро ҳурматини таъминлаш ва ҳар бир оила аъзосининг қадр-қимматини асраш ҳам тушунилиши керак. Мустаҳкам оила — муаммоларни бир-бирини камситмасдан, масъулият ва ўзаро ҳурмат асосида ҳал эта оладиган қўрғондир.

Бунинг учун оилалар билан ишлашда фақат муаммо юзага келгандан кейин чора кўришга эмас, унинг олдини олишга ҳам устувор аҳамият бериш лозим. Ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлигини ошириш, низоли вазиятларда малакали ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқий ва психологик маслаҳатлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ана шу мақсадга хизмат қилади.

ОИЛА ҚЎРҒОНИ ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН МУСТАҲКАМ

Сўнгги йилларда никоҳлар сонидаги ўзгариш ҳам эътиборга молик. 2021 йилда мамлакатимизда 305,2 мингта никоҳ қайд этилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 267,1 мингтани ташкил қилган. Демак, тўрт йил давомида йиллик никоҳлар сони 38,1 мингтага камайган.

Бу маълумотлар оила қуриш жараёнларидаги ўзгаришларнинг сабабини атрофлича ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Айни пайтда жамиятда оилага муносабат сусайди, деган қатъий хулосага келиш ҳам тўғри бўлмайди. Бунинг учун ёшларнинг қарашлари, ижтимоий-иқтисодий шароит ва бошқа омиллар таҳлил қилиниши керак.

Оилани мустаҳкамлаш тўйларни кўпайтириш ёки ажрашишларни камайтиришга қаратилган чақириқлар билангина амалга ошмайди. Бунинг учун ёшларни онгли оила қуришга тайёрлаш, уларнинг иқтисодий ва маънавий мустақиллигини қўллаб-қувватлаш, оилавий муаммоларни ҳал этиш маданиятини шакллантириш зарур.

Чунки оиланинг ҳақиқий мустаҳкамлиги никоҳ қайд этилган сана билан эмас, йиллар давомида сақланган ишонч, ўзаро ҳурмат ва масъулият билан ўлчанади.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Кўринмас хавф, қайтарилмас фожиа қачон барҳам топади?

Ҳар йили куз-қиш мавсуми бошланиши билан хонадонларни иситиш ташвиши туғилади. Совуқдан сақланиш учун печлар ёқилади, газ ускуналари ишга туширилади. Аммо баъзан иссиқлик улашиши керак бўлган восита хонадондаги энг катта хавфга айланади. Ҳеч қандай ранг ва ҳидга эга бўлмаган ис гази эса инсон ҳаётига сезилмасдан тажовуз қилади.



Ахтам ИБРОГИМОВ,
Бош прокуратура Ёқилғи-энергетика соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси прокурори.

Яқинда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида содир бўлган фожиа бу муаммонинг нақадар долзарблигини яна бир бор кўрсатди. Бош прокуратуранинг расмий баёнотига кўра, ис газидан заҳарланиш оқибатида олти киши вафот этган, яна икки киши оғир аҳволда шифохонага ётқизилган.

Дастлабки маълумотларга кўра, ҳодиса қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган хусусий уйда юз берган. Аниқланишича, уйнинг ертўла қисмига ўрнатилган иситиш қозони хавфсизлик талабларига жавоб бермаган, газ тармоғига эса белгиланган тартибда, тегишли техник шартларсиз уланилган.

Бу фожиа шунчаки бахтсиз ҳодиса эмас, балки хавфсизлик талабларини бажармаслик қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатувчи аянчли мисолдир. Албатта, айбдорларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо тергов натижалари асосида берилади. Аммо бир савол очиқ қолади: инсон ҳаётини хавф остига қўядиган бундай қоидабузарликлар нима учун ўз вақтида аниқланмайди?

РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ ИНСОН ТАҚДИРИ

2026 йилда Ўзбекистонда ис газидан заҳарланиш бўйича эълон қилинган маълумотларга кўра, йилнинг дастлабки тўққиз ойида 25 та ҳолат қайд этилган, 46 киши вафот этган. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиштирадиган бўлсак, ўлим кўрсаткичи 22 фоизга қисқарган. Лекин муаммо ҳали ҳам жиддий эътибор талаб қилаётганини рад этиб бўлмайди.

Ис гази ёқилғи тўлиқ ёнмаганида ҳосил бўладиган заҳарли газдир. У рангсиз ва ҳидсиз бўлгани учун инсонга сезилмаслиги мумкин. Танага нафас орқали киргач, мия, юрак ва бошқа муҳим аъзолар кислород танқислигига учрайди. Оғир ҳолатда инсон ҳушидан кетиши ва вафот этиши мумкин.

Бундай фожиаларга олиб келувчи сабаблар орасида газ ускуналарининг техник носозлиги, мўриларнинг тиқилиб қолиши, ҳаво айланишининг етарли эмаслиги, ностандарт иситиш воситаларидан фойдаланиш ва газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланиш алоҳида ўрин тутади.

Шу боис газ ускуналарини малакали мутахассислар ўрнатиши, белгиланган техник талабларга амал қилиш ва ускуналарни мунтазам текшириш оддий расмиятчилик эмас, балки ҳаёт-мамот масаласидир.

Ис газидан заҳарланишнинг энг оғир оқибати — инсон ҳаётининг узилиши. Омон қолган жабрланувчилар ҳам неврологик асоратлар, хотира ва диққатнинг бузилиши, юрак ҳамда бошқа аъзолар фаолияти билан боғлиқ муаммоларга дуч келиши мумкин.

Бундай фожиа оила ҳаётини ҳам тубдан ўзгартиради. Яқинларидан айрилган болалар, боқувчисиз қолган оилалар, фарзанди ёки турмуш ўртоғини йўқотган инсонлар узоқ вақт давомида руҳий ва ижтимоий қийинчиликларни бошдан кечиради.

ХАВФСИЗЛИК — УМУМИЙ МАСЪУЛИЯТ

Бу каби муаммоларнинг олдини олиш учун, аввало, газ ускуналари хавфсизлиги устидан назоратни кучайтириш зарур. Куз-қиш мавсуми бошланишидан олдин хонадонлардаги газ жиҳозлари, иситиш қозонлари, мўри ва шамоллатиш тизимларини малакали мутахассислар текширишини ташкил этиш лозим. Айниқса, янги қурилган ва таъмирланаётган уйларда газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланиш ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Қолаверса, ис газини эрта аниқловчи қурилмаларни ўрнатишни кенгайтириш керак. Хонадонлар, айниқса, газда ишлайдиган иситиш ускуналари ўрнатилган биноларда ис газини аниқловчи огоҳлантириш тугмаларидан фойдаланиш ҳаёт учун хавфли вазиятларни ўз вақтида сезиш имконини беради.

Бундан ташқари, маҳалла, таълим муассасаси ва оммавий ахборот воситалари орқали ис газидан заҳарланиш сабаблари, дастлабки аломатлари ва бундай вазиятда кўриладиган чоралар ҳақида мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш керак. Бунда қуруқ огоҳлантиришлар билан чекланмай, ҳаётий мисоллар ва амалий тавсиялардан фойдаланиш муҳим.

Хавфсизлик фожиа юз бергандан кейин айбдорни излашдан эмас, фожиага олиб келадиган сабабларни олдиндан бартараф этишдан бошланади.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Пиёда юришни танловчилар кўп...

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти жорий йилнинг август-сентябрь ойларида хотин-қизларнинг спорт ва жисмоний фаолликка муносабати, қизиқишлари ҳамда эҳтиёжларини ўрганиш мақсадида ижтимоий тадқиқот ўтказди.



Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 2 115 нафар хотин-қиз иштирок этган сўров натижалари аёллар орасида соғлом турмуш тарзига интилиш ва спорт билан шуғулланиш истаги юқори эканини кўрсатди.

Тадқиқот иштирокчилари учун спорт, аввало, саломатликни мустаҳкамлаш воситаси ҳисобланади. Қатнашчиларнинг 85,4 фоизи жисмоний машқлар билан шуғулланишдан асосий мақсади соғлом бўлиш эканини билдирган. Шунингдек, сўралганларнинг 81,3 фоизи сўнгги бир ҳафта давомида камида бир марта жисмоний фаоллик билан шуғулланганини, 56,5 фоизи эса ҳафтасига камида уч марта ҳаракатда бўлганини қайд этган.

Сўров натижаларига кўра, хотин-қизларнинг 70,3 фоизи пиёда юришни ўзи учун энг мақбул жисмоний фаоллик тури сифатида танлаган. Эрталабки бадантарбия, фитнес, югуриш ва бошқа соғломлаштирувчи машғулотларга ҳам қизиқиш мавжуд.

Эътиборли жиҳати шундаки, аёллар катта харажат ёки махсус спорт жиҳозларини талаб қилмайдиган, кундалик ҳаётга осон мослашадиган машғулотларга кўпроқ мойил. Бу эса жисмоний фаолликни оммалаштиришда оддий ва қулай ечимлар ҳам самарали бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг энг муҳим натижаларидан бири — хотин-қизларнинг 88,5 фоизи маҳаллаларда спорт гуруҳлари ташкил этилса, уларда қатнашишга ижобий муносабат билдирган.

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти матбуот хизмати.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА...

“Даъво” — ички қиёфага тутилган кўзгу

Инсоннинг асл қиёфаси баъзан манфаати билан виждони тўқнаш келган пайтда намоён бўлади. Кимдир ҳақиқатни ҳимоя қилиш учун мавқеидан воз кечади, кимдир эса унга эришиш учун ҳақиқатдан юз ўгиради. Эркин Аъзамнинг “Даъво” романи ана шу зиддиятни адабиётнинг ўткир нигоҳи билан очиб беради.

Марям САЛИМЗОДА,
Яшнобод туманидаги “Бирлашган” маҳалласи.



Ўзбекистон халқ ёзувчисининг жорий йилда нашр этилган мазкур романи илм-фан ва зиёлилар муҳитидаги муносабатлар, устоз-шогирд анъанаси, садоқат ва хиёнат масалаларига бағишланган. Асар марказида Жамшид Бўрон ва унинг устози Шокир Тўлаганов тақдири туради.

Муаллиф илм аҳли муҳитидаги муносабатларни тасвирлар экан, китобхонни муҳим бир савол қаршисида қолдиради: билим ва тажриба инсонни юксалтириши керак бўлган бир пайтда, нега баъзан мансаб ва шуҳрат истаги уни ўз қадриятларидан узоқлаштиради?

Бу савол фақат илмий аҳлига тегишли эмас. У ҳар қандай касб эгаси ва ҳар бир инсон учун долзарбдир.

Романнинг таъсирчан жиҳатларидан бири шундаки, у китобхонни бошқаларга баҳо беришдан аввал ўз виждонига назар ташлашга ундайди. Зеро, ҳар биримиз ҳаётнинг муайян паллаларида манфаат ва инсоф, мақсад ва масъулият ўртасида танлов қилишимизга тўғри келади.

Эркин Аъзам ижодига хос киноя ва кесатиқлар асардаги маънавий зиддиятларни янада ёрқинроқ намоён этади. Муаллиф инсонларнинг хатти-ҳаракатларини шунчаки қоралаш билан чекланмайди, балки уларнинг сўзи, қиёфаси ва амали ўртасидаги номувофиқликни очиб беради.

Ҳаётда ҳар кимнинг ўз даъвоси бор: кимдир билимда, кимдир касбда, яна биров жамиятда муносиб ўрин эгаллашни истайди. Бу интилишнинг ўзи ёмон эмас. Аксинча, инсонни ҳаракатга ундайдиган куч ҳам шу. Аммо мақсадга эришиш йўлида ҳалоллик йўқолса, натижанинг қадри ҳам шубҳа остида қолади.

Эркин Аъзамнинг “Даъво” романи ана шу ҳақиқатни эслатади. Инсоннинг кимлиги унинг ўзини қандай танитишида эмас, балки қандай йўлни танлашида намоён бўлади. Унвонга эришиш мумкин, обрў қозониш ҳам мумкин. Лекин ишончни йўқотган, устозлик ҳаққини унутган, виждон билан ҳисоблашишни бас қилган одам маънавий юксакликка эриша олмайди.

Асарни ўқиб, беихтиёр бир хулосага келасиз: инсоннинг энг катта даъвоси — бошқалардан устун келиш эмас, ўз виждони олдида юзини ёруғ сақлашдир. Зеро, мартаба вақт ўтиши билан ўзгариши, унвон унутилиши мумкин. Аммо инсоннинг қилмиши ва қолдирган маънавий изи унинг ҳақиқий қиёфасини белгилайди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



ЯНГИ ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИ “Тошкент-Шимолий” вокзали билан, Урганч ва Бухородаги аэропортлар темирйўл вокзаллари билан боғланади.



Январь-сентябрь ойларида “АЛИМЕНТ ТЎЛОВЛАРИ” ЖАМҒАРМАСИ ҳисобидан болалар моддий таъминоти учун 565 нафар фуқарога маблағ тўлаб берилди.




Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида СУНЪИЙ КЎЛГА ЭГА ЯНГИ САЙИЛГОҲ барпо этиш ишлари бошланди.

ЙЎЛОВЧИГА ТРАНСПОРТ ТАНЛОВИ ИМКОНИЯТИ ҚАЧОН ЯРАТИЛАДИ?

Йўловчи учун сафар, аввало, манзилга етиб олишдан бошланади. Аммо бунинг учун қайси транспортни танлаш, чиптани қаердан олиш, йўлга қанча вақт ва маблағ сарфлашни ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Агар қулай қатнов топилмаса, чипта қолмаган бўлса ёки бир транспортдан иккинчисига ўтиш қийин кечса, одамлар мавжуд имкониятлардан фойдаланишга мажбур бўлади.

Санжар ИСМАТОВ.



НЕГА ЙЎЛОВЧИ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИНИ КЎПРОҚ ТАНЛАЯПТИ?

Транспорт вазирлиги маълумотига кўра, 2025 йилда республикада барча транспорт турлари орқали **7 миллиард 898 миллион нафардан зиёд** йўловчи ташилган. Шундан 7 миллиард 586 миллион нафари **автомобиль транспорти** ҳиссасига тўғри келган. **Темир йўл транспорти** орқали 10,5 миллион нафар, **ҳаво транспортида** эса 11,1 миллион нафар йўловчи қамраб олинган.

Бу рақамлар автомобиль транспорти аҳолининг кундалик ҳаракатланишида муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Аммо масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор: йўловчиларнинг катта қисми такси хизматидан фойдаланаётгани бошқа транспорт турлари ҳамма учун бирдек қулай ва оммабоп эканини англатмайди. Аксинча, қатновлар сони, чипта нархи, бўш ўринлар ва сафарни режалаштириш имкониятларини ҳам таҳлил қилиш зарур.

Автомобиль транспортининг оммалашуви тушунарли сабабларга эга. Унинг қатнов йўналишлари кенг, айрим ҳудудларда сафарни исталган вақтда бошлаш имконияти кўпроқ. Йўловчи манзилига тўғридан-тўғри етиб бориши, йўлда транспорт алмаштирмаслиги мумкин. Қатнов оралиғи қисқа бўлган йўналишларда эса узоқ кутиб қолиш эҳтимоли камаяди.

Темир йўл ёки ҳаво транспортидан фойдаланишда эса ҳаммаси чипта сотиб олиш билан тугамайди. Вокзал ёки аэропортга етиб бориш, белгиланган вақтдан олдин келиш, манзилга тушгандан кейин яна бошқа транспорт топиш зарурати пайдо бўлади. Бу эса сафарнинг умумий вақти ва харажатини оширади.

“БИР ЙЎЛ”: ИМКОНИЯТНИ НАТИЖАГА АЙЛАНТИРИШ КЕРАК

Йўловчи учун энг оддий талаблардан бири — чиптани қийналмасдан топиш ва сотиб олиш. Аммо талаб юқори бўлган йўналишларда бўш жой топилмаса, қатновлар вақти мос келмаса ёки турли транспорт турлари ҳақидаги маълумотни алоҳида-алоҳида излашга тўғри келса, сафарни режалаштириш қийинлашади.

Бу муаммони фақат рақамлаштириш орқали ҳал этиб бўлмайди. Чипта савдосидаги қулайлик қатновлар сони ва йўловчи талабига мос хизмат билан бирга таъминланиши керак. Бунинг учун қайси йўналишларда чиптага талаб юқорилиги, қайси вақтларда жойлар тез тугаши ва қайси ҳудудларда қатновлар етишмаслигини мунтазам ўрганиш зарур. Талаб юқори бўлган йўналишларда қўшимча қатновларни ташкил этиш, мавжуд транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш ва чипталар савдосини шаффоф йўлга қўйиш муҳим.

Шу маънода, 2030 йилгача мўлжалланган стратегия доирасида **“Бир йўл” ягона миллий рақамли транспорт платформаси**ни жорий этиш режалаштирилгани муҳим қадамдир.

— Йўловчи учун энг муҳими — манзилига ортиқча оворагарчиликсиз, қулай ва имкон қадар тез етиб олиш. Шунинг учун темир йўл, ҳаво ва автомобиль транспорти хизматларини бир-бирига боғлаш зарур. Шу мақсадда 2030 йилгача мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилди, — дейди Транспорт вазирлиги масъул ходими Наврўз Аширматов. — Унга кўра, 2028 йил 1 январдан “Бир йўл” ягона миллий рақамли транспорт платформаси ишга туширилади. У орқали йўловчилар поезд, самолёт, автобус ва шаҳар транспорти қатновлари, чипта нархлари ҳамда бўш ўринлар ҳақида бир жойдан маълумот олиши мумкин бўлади. Сафарни олдиндан режалаштириш, чипталарни ягона буюртма ва тўлов орқали харид қилиш, манзилгача етиб бориш учун зарур трансфер хизматларини ҳам расмийлаштириш имкони яратилади.

Бу — йўловчи учун муҳим қулайлик. Аммо платформанинг самарадорлиги ундан қанча одам фойдалангани билан ўлчанмаслиги керак. Йўловчи керакли чиптани қанча вақтда топа олди, сафарни нечта алоҳида буюртмасиз режалаштирди, транспортлар ўртасида қанча кутди — ана шу кўрсаткичлар ҳам натижани баҳолашга хизмат қилади. Шу билан бирга, платформада кўрсатилаётган бўш ўринлар ва нархлар ҳақидаги маълумотлар амалдаги ҳолатга мос бўлиши шарт.

ҚУЛАЙЛИК ХАВФСИЗЛИКДАН АЖРАЛМАЙДИ

Транспортни танлашда тезлик ва нарх билан бир қаторда хавфсизлик ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Йўл-транспорт ҳодисалари ҳақидаги статистика бу масаланинг долзарблигини кўрсатади.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида республикада 2 286 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган бўлиб, уларда 3 306 нафар фуқаро жабрланган. 2026 йилнинг дастлабки уч ойида эса 1 102 та йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 346 киши вафот этган. 2025 йил давомида бундай ҳодисаларда 2 188 киши ҳаётдан кўз юмган, 8 901 киши тан жароҳати олган.

Албатта, ҳолатларнинг барчасини автомобиль транспортининг оммалашуви билан изоҳлаб бўлмайди. Бунга ҳайдовчининг масъулияти, йўл ҳолати, ҳаракат қоидаларига риоя этилиши ва бошқа омиллар ҳам таъсир қилади. Бироқ йўловчиларнинг катта қисми автомобиль транспортидан фойдаланаётган шароитда хавфсиз ташувларни ташкил этиш масаласи янада долзарб аҳамият касб этади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЙЎЛОВЧИГА МОС ТИЗИМ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Транспорт хизматларини яхшилашда бир нечта вазифани устувор белгилаш лозим.

Биринчидан, йўловчилар оқими ва талабини ҳудудлар ҳамда йўналишлар кесимида мунтазам ўрганиш керак. Қатновлар сонини фақат мавжуд имкониятга қараб эмас, аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжига мослаштириш зарур.

Иккинчидан, чипталар сотувида очиқлик таъминланиши, нархлар ва бўш жойлар ҳақидаги маълумотлар ўз вақтида янгиланиши керак. Йўловчи чипта бор-йўқлигини билиш учун турли идоралар ёки сайтларга мурожаат қилишга мажбур бўлмаслиги лозим.

Учинчидан, вокзал ва аэропортларни шаҳар жамоат транспорти билан боғлаш, қатнов жадвалларини мувофиқлаштириш зарур. Бу йўловчининг кутиш вақтини қисқартиради ва сафарнинг умумий харажатини камайтиради.

Тўртинчидан, транспорт хизматлари самарадорлигини баҳолашда аҳолининг фикри ва аниқ натижаларга таяниш керак. Чипта топиш осонлашдими, талаб юқори бўлган йўналишларда қатновлар кўпайдими, транспорт алмаштиришдаги кутиш вақти қисқардими, сафар харажатлари камайдими — ана шу саволларга аниқ жавоб бўлиши лозим.

Транспорт тизимининг вазифаси одамларни муайян уловдан фойдаланишга ундашдан кўра, улар учун муносиб танлов яратишдир. Йўловчи поезд, автобус, самолёт ёки бошқа транспортни танлаётганда чипта топиш, вақт ва харажат масаласида ортиқча тўсиқларга дуч келмаслиги керак. Йўловчи учун танлов мавжуд бўлиши, бу танловдан фойдаланиш эса муаммога айланмаслиги керак.

Фарзанд олдидаги масъулият муддатли бўладими?

ФИКР

Ўзбекистонда 2026 йилнинг ўтган даврида вояга етмаган фарзандлар таъминоти учун 3 триллион сўм алимент ундирилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 954 миллиард сўмга кўп. Шу билан бирга, алимент ундириш билан боғлиқ ижро ишлари доирасида 21 минг нафардан зиёд шахснинг бандлиги таъминланди, 21 минг 200 дан ортиқ оила яраштирилди.



Бу рақамлар муаммонинг кўламини ҳам, уни ҳал қилиш имкониятларини ҳам кўрсатади. Аммо алимент ундириш ҳажмининг ортиши ота-оналарнинг фарзанд олдидаги масъулиятини тўлиқ англаётганини билдирмайди. Айримлар ҳамон даромадини яшириши, иш жойини ўзгартириши ёки алиментни собиқ турмуш ўртоғига тўланадиган маблағ сифатида қабул қилади. Баъзи ҳолларда эса ишсизлик, норасмий бандлик ва оилавий низолар тўловдан қочишга туртки бўлади. Сабаблар турлича, аммо оқибат битта — ота-она ўртасидаги келишмовчиликнинг оғирлиги фарзанд зиммасига тушади.

Муаммони фақат мажбурий ундирув билан ҳал этиб бўлмайди. Аввало, алимент тўлашдан бўйин товлаётганларнинг даромад манбаларини аниқлаш, норасмий меҳнат қилаётганларни қонуний бандликка жалб этиш, ишсизларга касб ва иш топишда амалий кўмак бериш зарур. Алимент мажбуриятини бажаришга қасддан тўсқинлик қилаётганларга нисбатан қонуний чоралар эса изчил қўлланиши керак.

Шунингдек, ажрашиш арафасидаги оилалар билан эрта профилактик иш олиб бориш, низоларни фарзанд манфаатини биринчи ўринга қўйган ҳолда ҳал этиш муҳим. Никоҳнинг бекор қилиниши ҳар доим ҳам ота-оналик муносабатларининг узилишига олиб келмаслиги керак. Илк жараёнидаёқ фарзанд таъминоти, тарбияси ва ота-онанинг мажбуриятлари бўйича келишувга эришишга ёрдам берадиган медиатив ва психологик хизматларни кучайтириш зарур.

Алимент ундириш жараёнида маҳалланинг имкониятларидан ҳам самарали фойдаланиш зарур. Маҳалла раиси ва “еттилик” аъзолари алимент тўлашдан бўйин товлаётган шахснинг оилавий ва ижтимоий аҳволини ўрганиш, унинг даромад манбаларини аниқлаш, ишсиз бўлса, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш орқали муаммонинг амалий ечимига ҳисса қўша олади. Бироқ бу жараёнда асосий эътибор қарздорни жамоатчилик олдида изза қилишга эмас, уни фарзанди олдидаги бурчини англашга ундашга қаратилиши керак. Маҳалланинг таъсири ҳам айнан шу масъулиятни қалбан ҳис эттиришида намоён бўлади.

Энг асосийси, алиментни ундиришни рақамлар ва ижро ҳужжатлари билан чекламаслик лозим. Ҳар бир тўланган маблағ боланинг озиқ-овқати, кийими, таълими ва соғлиғи учун хизмат қилади. Шу боис оилавий низоларни барвақт бартараф этиш, ота-оналик масъулиятини ошириш ва алимент тўловларининг узлуксизлигини таъминлаш бир-биридан ажралмас вазифалардир. Фарзанд ота-онасининг муносабати қандай якунланишидан қатъи назар, уларнинг ҳар иккиси олдидаги масъулиятдан маҳрум бўлмаслиги керак.

Моддий ёрдам ҳаммага тенг бериладими?

Алишер ИКРОМОВ.
Тошкент шаҳри:

— Мен корхонада ярим иш кунида ишлайман. Яқинда ходимларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун моддий ёрдам (“картошка пули”) беришмоқчи. Шу ҳолатда менга моддий ёрдам суммаси тўлиқ тўланадими ёки яримми?

Ленара ҲИКМАТОВА,
“Норма” юрист-эксперти, ҳуқуқшунос:

— Иш ҳақидан фарқли ўлароқ, моддий ёрдам, бу — ижтимоий тусдаги тўлов ҳисобланади. Корхонанинг ички ҳужжатларида *(жамоа шартномаси, ички буйруқ)* барча ходимларга бир хил қатъий сумма ёки бир хил миқдор белгиланган бўлса, ярим иш кунида ишлайдиган ходимга ҳам тўлиқ ҳажмда моддий ёрдам берилади. Бироқ агар корхонанинг ички ҳужжатларида моддий ёрдам миқдори эгаллаб турган лавозимга ёки иш соатларига боғлаб қўйилган бўлса, шунга қараб ҳисобланади. Одатда, корхоналар барча ходимларга тенг равишда (масалан, бир хил миқдорда пул ёки маҳсулот) тўлайди.

МЕНДА САВОЛ БОР...



Солиқ кодексига мувофиқ, бу турдаги моддий ёрдам миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдори*(ҳозирда 1 360 000 сўм)*нинг 4,22 бараваридан *(5 739 200 сўмдан)* ошмаса, унга даромад солиғи солинмайди.

СЎЗЛАРДА МАЪНО БОР, МАЪНОДА ФИКРАТ...

Ўзбек тилидаги аксар иборалар сўз бирикмасидан келиб чиққан, яъни аввал тўғри маънода қўлланган бирикма кейинчалик кўчма маъно ифодалашга ўтган. Бунинг натижасида иккиси бир-биридан узоқлашган. Мисол учун, “номи чиққан” ибораси ҳам икки қарама-қарши маъно англатади.



Ёркинжон ОДИЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

“Номи чиққан” ибораси ҳозирги кунда **“яхши ишлари, фазилатлари билан машҳур бўлган”** ва **“ножўя қилиғи билан ёмонотлиқ бўлган”** маъносини билдиради.

Ушбу сўз бирикмасининг иборага айланишига яхши ишлари билан танилган инсоннинг халқ орасида номи кўп тилга олиниши, эл орасида номи кўп эсланиши сабаб бўлган. Табиийки, халқ тилида исми кўп айтилган киши машҳур бўлиб кетади. Ўз навбатида, бу ҳолат ўша исмнинг кўп тилга олинишига олиб келади. “Номи чиққан” бирикмасининг “яхши ишлари, фазилатлари билан машҳур бўлган” маъносини ифодалашга ўтишига муайян исмни халқнинг бот-бот тилга олиши боисдир: *“Интизорнинг опаси вилоятда **номи чиққан** математик, Зулфиқорнинг ўғли ўшандан қўшимча дарс олгани кетган”* (Н.Норматов, “Зулайҳо дарахти”).

Қизиғи шундаки, одам ёмон иши, ножўя қилиғи билан ҳам эл оғзига тушиши, бўлмағур ишлар қилиб юрадиган кишининг исми “фалончига ўхшаб”, “пистончи ҳам шунақа қилган эди” тарзида ҳар ерда тилга олинаверади. Ана шу ҳолат “номи чиққан” иборасида “бўлмағур иши, ножўя қилиғи билан ёмонотлиқ бўлган” маъносини юзага келтирган.

Қисқаси, инсон яхши иши билан ҳам, ёмон қилиғи билан ҳам эл аро номи чиқиши, оғизга тушиши мумкин экан.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



НУКУС ШАҲРИДАГИ “ЁШ АВЛОД” МАҲАЛЛАСИДА 6,7 миллиард сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.



Хивада қайта қурилган “ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО” масжиди фойдаланишга топширилди.



Жорий йилнинг 6-8 ноябрь кунлари пойтахтимизда САМБО БЎЙИЧА 50-ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ўтказилади.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

Парижда янграган Ўзбекистон мадҳияси, рекорд даражадаги сакраш ва олтин медаль — Асила Мирзаёрова номини дунёга танитган лаҳзалар... Аммо бугун у ҳақида гапирганда, фақат чемпионлик билан чекланиб бўлмайди. Асила яна катта спортга қайтди, она бўлиш бахтини ҳис этиб, халқаро майдонларда янги марраларни забт этди.

“Марралардан юксакроқ мақсадларим бор...”



Япониянинг Аичи-Нагоя шаҳрида ўтган Параосиё ўйинларида Асила узунликка сакраш бўйича 5,04 метр натижа билан олтин медални қўлга киритиб, мусобақа рекордини янгилади. У 200 метрга югуришда кумуш, 100 метрга югуришда эса бронза медалига сазовор бўлди. Демак, Асила бу гал фақат ўзининг асосий йўналишидагина эмас, югуриш баҳсларида ҳам маҳоратини намоён этди. Энг эътиборлиси, у фарзандли бўлиб, спортдан бироз танаффус қилгач, яна катта мусобақаларга учта медаль билан қайтди.


— *Асила Мирзаёрованинг ёшлиги айнан шу маҳаллада ўтган, бугун эса унинг халқаро майдонларда эришаётган ютуқлари барчамизга фахр бағишлайди,* — ***дейди Қарши шаҳридаги “Хониён” маҳалласи раиси Баҳодир Элбоев.*** — *Унинг қатъияти, меҳнатсеварлиги ва юксак натижалари маҳалламиз ёшлари учун ҳақиқий ибрат мактабидир. Асиланинг ҳар бир галабасидан қувонамиз ва келгусида ҳам юртимиз байрогини баланд кўтаришига тилакдошмиз.*

Асиланинг ҳаётидаги яна бир муҳим таянч — оиласи. У барча суҳбатларда доимо Паралимпия спортига кириб келишига отаси сабабчи бўлганини айтади. Дастлаб бу таклифни қабул қилишни истамаган, чунки кўриш қобилияти тикланишидан умидвор эди. Кейинчалик эса спорт унинг ҳаётидаги энг катта мақсадлардан бирига айланди. Укаси Абдувоҳид ҳам унинг спорт йўлида алоҳида ўрин тутади: улар етти йилдан бери бирга шуғулланиб келади. Асила укасининг ҳамроҳлиги ва кўмагидан кейин натижалари яхшиланганини таъкидлайди.

Чемпионнинг суҳбатларидаги энг таъсирли жиҳатлардан яна бири шуки, у катта ютуқларга эришган бўлса-да, дилидагиларини яширмайди. *“Чемпионликни қўлга киритганим билан барибир кўришга ҳеч нарса етмайди”*, дейди у. Бу самимий эътироф унинг қалбида ҳам соғинч, ҳам умид борлигини кўрсатади. Асила ҳаётидаги қийинчиликларни инкор этмайди, бироқ уларни ўз имкониятларини намоён этишига тўсқинлик қиладиган деворга ҳам айлантирмайди.

Бугун унинг зиммасидаги масъулият янада кенгайди. 2026-2030 йиллар учун Осиё Паралимпия қўмитасининг Спортчилар қўмитаси аъзолигига сайланган Асила энди қитъадаги параспортчилар манфаатларини ифодалашга ҳам ҳисса қўшади. Бу эътироф унинг фақат спорт майдонидаги натижаларига эмас, балки тажрибаси ва овози ҳам муҳим эканига берилган ишончдир.

Асила Мирзаёрованинг ютуқлари чемпионлик фақат катта шоҳсупага кўтарилиб, медал олиш билангина ўлчанмаслигини кўрсатади. Ҳақиқий чемпионлик — тинимсиз меҳнат қилиш, оила кўмагини қадрлаш, янги мақсадлар сари интилиш ва ўз муваффақияти билан бошқаларга ҳам йўл очишдир. Асила бугун матонати ва тинимсиз интилиши билан кўплаб инсонларни ўз имкониятларига ишониш ва орзулари сари дадил қадам ташлашга ундамоқда.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

ТАҲЛИЛ

Харидорни чалғитувчи акциялар қандай назорат қилинади?

Дўкон пештахтасига катта ҳарфлар билан “50 фоиз чегирма” деб ёзиб қўйилса, бу харидорнинг эътиборини дарров тортади. “1+1”, “совғали акция”, “омадли харидорга автомобиль” каби таклифлар ҳам одамларни ўзига жалб қилади. Чунки ҳар бир харидор маҳсулотни арзонроқ олишни, харидидан қўшимча манфаат кўришни истайди.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Аммо бир савол бор: эълон қилинган чегирма ҳақиқатан ҳам харидорга фойда келтиряптими ёки шунчаки уни дўконга жалб қилиш воситаси бўлиб қоляптими?

Аслида, акция ва чегирмалар савдони жонлантириш, харидорни рағбатлантириш ва тадбиркорлар ўртасида рақобатни кучайтиришнинг оддий усулларидан бири. Бундай таклифлардан истеъмолчи ҳам, сотувчи ҳам манфаат кўриши мумкин. Лекин бунинг учун энг муҳим шарт — ваъда билан амалдаги ҳолат бир-бирига мос келиши керак. Агар дўконда 50 фоиз чегирма эълон қилиниб, харидор кассага келганда бошқа шартларга дуч келса ёки акцияда ютиб олган совринини олиш учун сарсон бўлса, бундай таклифнинг фойдаси бўлмайди.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ўтказган ўрганишлар ҳам айнан шу муаммолар борлигини кўрсатмоқда. 58 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчасидаги 116 та акция ва чегирмалар ўрганилганда, 65 та муаммо ва камчилик аниқланган.

Масалан, Андижон вилоятидаги “Water Life Mineral” МЧЖ ўтказган “Орзу ушалсин” акциясида уч нафар иштирокчига жами 60 миллион сўмлик совғин топширилмаган. Акцияда қатнашиб, голиб бўлган инсон маълум шартларни бажарган, натижани кутган ва ўз ютугини олишга ҳақли. Совғин берилмаслиги эса акция ташкилотчисига бўлган ишончни сусайтиради.

Намангандаги “Наманган автотеххизмат” МЧЖ акциясида эса “Chevrolet Cobalt” автомобилини ютиб олган фуқаро билан телефон рақами нотўғри терилгани сабабли боғланилмаган ва совғин бошқа шахсга берилган. Қўмита аралашувидан сўнг автомобиль ҳақиқий голибга қайтарилди. Шунингдек, Намангандаги “Baldini” дўконида 50 фоиз чегирма эълон қилинган бўлса-да, нархномалар мавжуд бўлмаган. Бухородаги “IDEA” дўконида эса чегирмалар маҳсулотнинг умумий нархига эмас, муддатли тўловнинг ойлик тўловларига қўлланилган.

Бошқа ҳудудларда ҳам акция шартлари билан боғлиқ камчиликлар аниқланган. Самарқандда маиший техника совғаси фақат “Chevrolet” русумидаги автомобилни 100 фоиз олдиндан тўлов асосида харид қилганларга таклиф этилган, муддатли тўловдагилар ва юридик шахслар эса бундан фойдалана олмаган. Қашқадарёдаги “IDEA”нинг “1+1” акциясида қўшимча маҳсулот тури, акциядаги товарлар сони ва уларнинг аввалги 30 кун ичидаги энг паст нархлари очиқ кўрсатилмаган. Бу ҳолатлар акция шартлари харидорга олдиндан ва аниқ тушунтирилиши зарурлигини кўрсатади.

— Аниқланган камчиликларнинг 59 таси, яъни 90,7 фоизи ҳуқуқий тушунтириш ва огоҳлантириш хатлари орқали бартараф этилди, — ***дейди Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Давлатов.*** — *Тўртта тадбиркорлик субъектига нисбатан иш қўзғатилиб, тегишли қарор ва кўрсатмалар берилди. Шунингдек, истеъмолчилар фойдасига 250 миллион сўмга яқин маблағ қайта ҳисоб-китоб қилинди. Бу натижалар назоратнинг амалий аҳамиятини кўрсатади. Бироқ ҳар бир ҳолатни алоҳида аниқлаш ва муаммо юзага келгандан кейингина чора кўриш билан чекланиб қолиш тўғри эмас. Муҳими, бундай ҳолатлар такрорланмаслигига хизмат қиладиган тизим шакллантиришдир.*

Шу нуқтаи назардан, қўмитанинг акция ва чегирмаларни рақамли назорат қилиш бўйича таклифлари эътиборга лойиқ. Жумладан, маҳсулот ёнидаги QR-код орқали унинг аввалги нархлари ва чегирманинг ҳақиқий миқдорини текшириш имконияти яратилиши лозим. Бу харидорга сотувчининг гапигагина таяниб қолмасдан, нарх ҳақидаги маълумотни мустақил текшириш имконини беради.

Яна бир таклиф — акцияларни бошланишидан олдин махсус электрон тизимда қайд этиш. Бунда акциянинг шартлари, муддати ва унга тегишли маҳсулотлар ҳақидаги маълумотлар олдиндан киритилади. Нархлар тарихини рақамлаштириш эса маҳсулот қиймати қандай ўзгарганини кузатишга ёрдам беради. Масалан, дўкон бир неча кун аввал маҳсулот нархини ошириб, кейин уни “50 фоиз чегирма” билан таклиф қилса, бундай ўзгаришларни текшириш осонлашади.


Албатта, рақамли тизимнинг ўзи барча муаммоларни бирданига ҳал қилиб юбормайди. Унинг самараси маълумотларнинг тўғри ва ўз вақтида киритилиши, акция шартларининг ҳаққоний акс эттирилиши ҳамда қоидабузарликларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилишига боғлиқ. Шу билан бирга, тизим харидор учун ҳам содда ва қулай бўлиши керак. Чунки рақамли назоратнинг асосий фойдаси, аввало, истеъмолчининг ўзига сезилиши лозим.

Бугун бозорда маҳсулот кўп, таклифлар эса ундан ҳам ошади. Харидор бир дўкондан бошқасига ўтиб, нархларни таққослаши, акцияларни кузатиши мумкин. Лекин у ҳар бир реклама ортида қандай шартлар яширинганини текшириш учун вақт сарфлашга мажбур бўлмаслиги керак. Сотувчи таклифини аниқ ва очиқ баён этиши, харидор эса нимани қанчага ва қандай шартларда олаётганини билиши зарур.

ҲИДОЯТ БЕКАТИ

Ўткир ХОЛИҚОВ. Самарқанд вилояти:

— Ўғлим яшаши учун икки йил давомида коттеж уй қурган эдим. Уч ой олдин эса бу уйни сотиб, пулини автомобиль олиб сотиш, бозорда савдо қилиш ёки бошқа ҳовли қуриш каби ишларга сарфлашга қарор қилдим. Шу ҳолатда уйдан закот беришим керакми?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Бу ҳолатда уйни сотиш ниятининг ўзи билан унга закот вожиб бўлиб қолмайди. Чунки тилла, кумуш ва пуллардан бошқа мол-мулклардан закот бериш учун уларни сотиб олиш чоғида тижорат нияти бўлиши керак. Агар мол-мулк дастлаб бошқа мақсадда олиниб, кейинчалик уни сотиш нияти пайдо бўлса, у сотилгунига қадар закот моли ҳисобланмайди. Уй сотилганидан кейин эса унинг пули закот молига айланади ва бу маблағга бир йил тўлгач, закот бериш вожиб бўлади. Агар ушбу маблағ тижоратга киритилса, тижоратдаги айланма маблағлар ҳисобидан закот берилади.

СИЗ БУ ҲАҚДА БИЛАСИЗМИ?..

Ортиқча маблағ ва вақтга ҳожат йўқ

Кўпинча ногиронлиги бўлган фарзандини ўқитиш, унинг яшаш ёки транспорт харажатларини қоплашга қийналаётган ота-оналар субсидия ажратиш тартибини билмайди. Айримлар эса ёрдам олиш учун югур-югурлар кўп, ортиқча вақт ва маблағ сарфлашга тўғри келади, деб ўйлайди.



Сетора АБДУЖАЛИЛОВА, ҳуқуқшунос.

Аслида, жараён мураккаб эмас. Бунинг учун узоққа бориш ёки бир нечта идорага мурожаат қилиш шарт эмас. Исталган Давлат хизматлари марказига мурожаат қилиш ёки “my.gov.uz” портали орқали онлайн ариза юбориш мумкин. Агар аризани боланинг қонуний вакили топширса, ўзининг шахсий идентификация рақами ҳамда қонуний вакиллигини тасдиқловчи ҳужжатни тайёрлайди.

Ўқиш харажатлари учун субсидия сўралганда нодавлат таълим ташкилоти билан тузилган ўқитиш шартномасининг электрон нусхаси илова қилинади. Яшаш харажатларини қоплаш учун ижара шартномаси ва унинг солиқ органларида ҳисобга қўйилгани ҳақидаги билдиришнома, транспорт харажатлари учун эса йўл харажатларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон нусхалари тақдим этилади.

Шундан сўнг ариза кўриб чиқиш учун юборилади. Энг муҳими, давлат хизмати бепул кўрсатилади ва мурожаат уч иш куни ичида кўриб чиқилади. Кўриниб турибдики, керакли ҳужжатларни тайёрлаб, белгиланган тартибда мурожаат қилишнинг ўзи кифоя.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.

Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.

Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.

8 309 нусхада чоп этилди.

Буюртма №: Г-1020